

Халол меҳнат
ҳаловати ҳаётнинг
безагидир

2-с.

Ҳоким ёрдамчиси қайси ташкилотга бўйсунди?

Ҳоким ёрдамчиси расмий жиҳатдан ҳокимга бўйсунди. Яъни уни ишга ҳоким тайинлайди ва ишдан бўшатади.

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
3 МАЙ,
ШАНБА

Маҳалла

№36-37
(2261)

WWW.UZMAHALLA.UZ

КУН НАФАСИ

49 та маҳалла ривожига 61 миллион доллар жалб этилади

Президент Шавкат Мирзиёев 1-2 май кунлари Хоразм вилоятига ташриф буюрди

Давлатимиз раҳбари раислигида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ҳудуддаги маҳаллалар билан боғлиқ қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Қайд этилганидек, Боғот, Гурлан, Хонқа, Янгибозор, Ҳазорасп ва Урганч туманларидаги 49 та маҳалла инфратузилмаси яхшиланади. Бунинг учун халқаро молия ташкилотларидан 61 миллион доллар жалб қилинади. Бундан ташқари, жорий йилда 70 та оғир маҳаллага тадбиркорлик инфратузилмаси учун бюджетдан 233 миллиард сўм ажратилди. Бунга қўшимча яна 10 та маҳалла танлаб олинди, 15 миллиард сўм йўналтирилади. Хива шаҳрида фақат туристларга хизмат кўрсатадиган объектлар бўлади. "Ангарик" маҳалласидаги бўш майдонда маъмурий бинолар қури-

либ, Хива шаҳридаги барча давлат ташкилотлари шу ерга кўчирилади. Мутасаддиларга Урганч, Хивадаги барча маъмурий биноларни савдога чиқариш бўйича катта дастур ишлаб чиқиш топширилди. Вилоятда гастрономик туризм ривожлантирилади. "Арда Хива" маъмурасига вилоятлардан биттадан ресторатор олиб келинади, Хива шаҳрининг "Мевастон" ва "Газчи" маҳаллаларида бир неча ресторанлардан иборат иккита замонавий "фуд-корт" ташкил қилинади. Шунингдек, "Мевастон" маҳалласида Хунармандчилик маркази ташкил этилади.



Ташриф доирасида Президент Шавкат Мирзиёев Хонқа туманидаги намунали кўчатчилик ҳўжалиги, мебелсозлик саноат зонаси фаолияти билан танишди. Урганчга келтирилган янги автобуслар кўздан кечирилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари ўзимида ишлаб чиқарилган вагонлардан иборат поездада Урганчдан Хивага борди. Хива шаҳрида "Арда Хива" халқаро туризм марказининг тантанали очилиш маросими бўлди.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

ХОРАЗМДАГИ "ЕТТИЛИК" ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Қуронбоев Хоразм вилояти маҳаллаларида бўлиб, "еттилик" фаолияти билан танишди.



Дастлаб Уюшманинг вилоят бошқармаси масъуллари ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари билан очик мулоқот ўтказилди. Унда Уюшма олдидagi вазифалар, маҳалла раислари сайловини намунали ташкил этиш, йиғинларни камбағаллик, ишсизлик, жиноятчилик, оилавий ажралишлардан холи ҳудудга айлантириш борасидаги фикрлар билдирилди. Шундан сўнг Қўшқўпир, Гурлан, Шовот, Урганч, Хонқа туманлари ҳамда Урганч шаҳридаги "маҳалла еттилиги" аъзоларининг фаолияти ўрганилди, уларни қийнаётган масалалар, муаммоларга эътибор қаратилди. Қахрамон Қуронбоев Ўзбекистон болалар ташкилоти раиси Х.Набиев билан биргаликда Хоразм вилоятидаги болалар ташкилоти сардорлари билан учрашув ўтказди. Учрашув давомида сардорлар ўзларининг ижтимоий фаоллиги, ижодкорлик салоҳияти ва турли соҳалардаги ташаббусларини намоеён этишди.



МАҲАЛЛАМНИНГ РАИСИ КИМ БЎЛАДИ?

(Давоми 5-8-саҳифаларда.)

ЖАРАЁН

Ижтимоий шартнома барча йиғинларда татбиқ этилади

Республика бўйича 1 майдан маҳаллалардаги камбағал оилаларга кўмак ижтимоий шартнома асосида кўрсатилди.

Эндиликда камбағал оилалар ижтимоий кўмак турларини олиши учун маълум бир мажбуриятларни бажариши лозим. Жумладан, улар меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг бандлигини таъминлаши, ўз томорқасидан самарали фойдаланиши (экин экиши), фарзандларининг билим олиши, касб-хунар ва хорижий тилларни ўрганишини назоратга олиши, уй-жойини озода тутиши зарур.

Ижтимоий шартнома шарт-

лари бажарилмаган тақдирда, ушбу оилаларга тўланадиган бола пули ва моддий ёрдам миқдори "маҳалла еттилиги"нинг коллегиял қарори билан 30 фоизгача камайтирилади. "Рақамли маҳалла" платформасида мажбуриятларни бажармаган фуқароларнинг реестри юритилиб, уларга Реестрда бўлган даврда "еттилик" вакиллари кредит, субсидия, грант ва моддий ёрдам турлари учун тавсиялар бермайди.



Камбағал оила "тегишли мажбуриятни бажариши мумкин" деб ҳисобланса, "еттилик"нинг коллегиял қарори асосида кўмак турлари қайта тикланади, фуқаро Реестрдан чиқарилади.

БУГУНГИ СОНДА:

Илм чекка ҳудудларгача етиб бориши керак...

"Чекка ҳудудда жойлашган маҳалламиз учун замонавий ўқув марказлари ташкил этилиши. Мактабларда тўғараклар бор, албатта. Аммо тил ўрганиш ва замонавий йўналишлар бўйича малакали мутахассислар томонидан ўтилган курслар ёшлар билимини янада бойитади. Бу эса уларнинг келажагига замин яратади".

4-с.

Низолар ечимига "еттилик"ла етаямиз

"Ҳаёт давом этар экан, турли низоли ҳолатлар пайдо бўлаверди. Бундай ҳолатларни ўз вақтида аниқлаб, унга йўл қўйган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, ҳар бири ҳақида "маҳалла еттилиги" аъзоларига ўз йўналишлари бўйича ижтимоий-профилактик хулоса бериб, улар билан манзилли ишлаймиз. Жорий йил ҳисобида 47 нафар фуқарога профилактик хулосалар берилди".

9-с.

Тақдирга кўникиш, бу қисмат, аммо уни ўзгартириш — фазилатдир

"Бир тақлифни илгари сурмоқчиман. Ҳозир ҳудудларда амалга ошириляётган шу каби лойиҳаларни молиялаштиришда маҳалла бюджети маблағларидан фойдаланиш имконияти берилса, нур устига аъло нур бўларди. Бу ишимизни янада осонлаштиради ҳамда халққа янгидан-янги қулайликлар ҳозирлашимизга замин яратади".

10-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатиш!



@mahalla_raislari



@mahalladosh_1



@mahalladosh


БОЛАНИ ОТА-ОНА ТАРБИЯЛАЯПТИМИ ЁКИ ВИРТУАЛ ОЛАМ?



11-с.



Президент Шавкат Мирзиёев АЛ-ХОРАЗМИЙ УНИВЕРСИТЕТИни ташкил этиш бўйича тақдимот билан танишди.



Давлатимиз раҳбарига нодавлат таълим хизматлари тизимини такомиллаштириш, олий ва касбий таълимда сифатни ошириш бўйича ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ.



Президентимиз ЕР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ва кадастр хизматини ривожлантириш бўйича тақдимот билан танишди.

Мақсадимиз йўл сингари ривожланиб бораётгани

Маҳалламиз вилоятнинг чегара ҳудудда жойлашган. Кейинги йиллардаги ислохотлар натижасида биз каби олмас манзилларда ҳам ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Ҳудудда 3,5 минг нафар аҳоли яшайди. Йўлларимиз ёнгинарчилик қиларида лой, ёзда чанг бўларди.

иккита таклифимиз қолиб бўлди. Жорий йил кўчаларни асфальтлашга йўналтирилган 1 миллиард 174 миллион сўм маблағни ютиб олдик. Эндиликда маҳалладаги 3,7 километр кўча асфальтланмоқда. Қувонарлиси, аввал ҳам лойиҳада қолиб бўлиб, мавжуд 19 та кўчанинг 15 таси тўлиқ асфальтланганди.

Бугун кўнгилда шукроналик ҳисси жўш уриб кетмоқда. Чунки бу йўллар жуда абгор эди. Илгарилири ёгин-сочинли кунларда юришга ниҳоятда қийналардик. Мавжуд муаммоларимизга босқичма-босқич ечим топилаётганидан беҳад хурсандмиз. Энди текис ва раво йўллардан бемалол юрибмиз. Бундан ташқари, лойиҳанинг 2-мавсумида соғломлаштириш марказига ёпиқ турдаги спорт майдони қуриш таклифимиз қолиб чиқди.



Сув нафақат инсонга ҳаёт манбаи, балки экин-тикин, дов-дарахлар ҳам ундан баҳра олади. У борки, тириклик муҳассам. Бир неча йилдирки, аҳоли томорқадан сувсизлик сабаб даромад ололмади, ҳатто резаворларни ҳам бозордан харид қилишган. Энди бу муаммо барҳам топадиган бўлди. Гап шундаки, 3 миллиард сўмлик лойиҳа амалга оширилди. 3,5 километр масофадан 280 диаметрли қувурларда оқова сув тортиш ишлари якунланди. Маҳалладаги бунёдкорлик юмушлари якунига етганидан сўнг, мавжуд 648 та хонадондан 410 таси оқова сувдан эмин-эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлади.



Ҳайратжон ОМОНЖОНОВ,
Чортоқ туманидаги
“Қорамурт” маҳалласи раиси.

Бугун аҳолининг бирдамлиги сабабли бу каби муаммолар ўтмишга айланмоқда. Нега дейсизми? Чунки барчанинг бир ел-кадан бош чиқаргани натижасида “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида

Ҳалол меҳнат ҳаловати ҳаётнинг безагидир



Минг йиллар аввал ҳам “маҳалла” институтини бўлган. Вақт ўтиши билан у янада такомиллашди. Бугун унинг ваколати, фаолларнинг вазифаси янгиланди.

Рамазон ИКРОМОВ,
Қоровулбозор туманидаги
“Бўстон” маҳалласи раиси.

Кечагина фақат оила, яшаш жойи ҳақида маълумот бериш, юқоридан келган топшириқларни бажариш билан чекланган тизим ўрнида одамлар ҳаётини фаровонлаштириш, ҳудудни обод қилиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш учун жон куйдирадиган тузилма яратилди.

Айниқса, “маҳалла еттилиги” иш бошлагани катта имкониятлар эшигини очди. Илгари идорамизда одам гавжум бўларди. Кимдир моддий ёрдам сўраса, бошқаси кўшниси билан ер, сув талашиб келарди. Бугун ҳоким ёрдамчиси даромади кам оилаларга ёрдам кўрсатса, ижтимоий ҳодим ёрдамга муҳтожларни ўрганиб чиқмоқда. Ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоллари аҳолининг бандлигини таъминлаш йўлида камарбаста. Муаммолари ҳал бўлгани учун энди аҳоли мурожаати камайди. Ҳар бир йўналиш ўз эгасига берилди. Ҳудудимизда 1 369 нафар

Президентимизнинг “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги фармони бизга муҳим дастур бўлди.

аҳоли яшайди. Асосий ўсиш нукта — қишлоқ ҳўжалиги ва деҳқончилик. Фарзандларимиз сифатли таълим-тарбия олиши учун умумтаълим мактаби, оилавий шифокорлик пункти, мактабгача таълим ташкилоти ишлаб турибди.

Яратилган имконият ва имтиёزلардан фойдаланган ҳолда камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айландик. Бу натижага эришишимизда Президентимизнинг “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги фармони бизга муҳим дастур бўлди. Кўп оилалар фаровонлиги таъминланди.

Комил Субҳоновнинг асли касби сувчи. “Ўзсувтаъминот” корхонасининг туман филиалида ишлайди. Қимирлаган — қир ошар, деганларидек, томорқадан самарали фойдаланиб, қўшимча даромад топмоқда. Бундан ташқари, 4 бош қорамол, 15 бош қўй ва эчки, 10 та қуён, 10 та товуқ парваришмоқда. Балиқчиликка асос солди. 2024 йилда дастлабки ҳосил олинди. 500 кг. балиқ маҳалладаги эҳтиёжманд оилаларга бепул тарқатилди. Хурсандой Субҳонова туман ободонлаштириш бўлимида ишлаш билан бирга турмуш ўртоғига яқиндан ёрдам беради. Соғиб олинган сут кам таъминланган оилаларга бепул тарқатилди. Оила деҳқончилик ва чорвачилик ортидан йилга 120 миллион сўм даромад топмоқда.

Дадахон Низоми бундан бир неча йил аввал турмуш ўртоғи билан биргаликда хорижда меҳнат қиларди. “Еттилик” ходимлари таклифига қўра, юртга қайтиб, деҳқончилик билан шуғуллана бошлади. Бугунги кунга келиб, 25 сотихли қиссиқхонаси бор. 3 сотих ерда бўлғор қалампйри ва қулупнай экилган бўлса, 22 сотихда помидор етиштирмоқда. 3 сотих майдондан 90 миллион сўмгача фойда олмақда.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла одамлари барчасига ўз кучи, ҳалол меҳнати билан эришмоқда.

“МИТТИВОЙЛАР” ИШ БОШЛАДИ

Поп туманидаги “Мустақиллик” маҳалласида тадбиркор Севара Миравазова вилоятда илк бор бепул хизмат кўрсатувчи оилавий ҳўсурий боғча — “Миттвойлар” нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини бошлади.

Очилиш маросимида туман ҳокимлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси, маҳалла фаоллари ҳамда нурунийлар иштирок этиб, бу ташаббуснинг аҳамиятини алоҳида таъкидлашди.

Айтиш жоизки, Поп туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож 549 нафар боладан ҳозиргача 277 нафари мактабгача таълимга қамраб олинган.



ТОМОРҚАЛАР СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

Минг бўлоқ туманидаги “Меҳнатобод” маҳалласида аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш учун оқова сув ташкилоти мавжуд.

Шу боис хонадонларни сув билан таъминлаш мақсадида қудуқ қўриляпти. Ушбу лойиҳа доирасида 50 кВт. қувватга эга қўёш панеллари ўрнатилиб, сув насоси тизимида электр энергиясини узлуқсиз таъминлаш кўзда тутилган.

— Бу каби лойиҳалар аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишини таъминлайди, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Илҳомжон Икромов. — Лойиҳа тўлиқ ишга тушгач, биринчи галда бандлик таъминланади. Қолаверса, аҳоли дастурхони бойийди. Шу орқали озиқ-овқат хавфсизлиги, уй ҳўжалиқларининг даромадини ошириш ҳамда қишлоқ жойларда турмуш фаровонлигини юксалтиришга эришамиз.

Умуман олганда, лойиҳа маҳалладаги 200 та хонадон томорқаларини доимий равишда сув билан таъминлаш имконини беради.

“Менга бошқа иш таклиф қилинадими?”

Наргиза АЛИМАРДОНОВА,
Қўрғонтепа тумани:

— Икки йил аввал бола парваришлаш таътилидаги ходим ўрнига ишга қабул қилинганман. Жорий йил ўша ходим ишга қайтади. Бу вазиятда иш берувчи бошқа иш таклиф қилишга мажбурми ёки мени ишдан бўшатиб юбориши мумкинми?



Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги медиа маркази
раҳбари:

— Кўп ҳолатларда мазкур масалада иш берувчи ва ходим ўртасида тушунмовчилик келиб чиқади. Қонунчиликда иш берувчига бундай мажбурият қўйилмаган.

Меҳнат кодексининг 158-моддаси 3-қисмида иш жойи (лавозими) сақланаётган ходимнинг йўқ бўлган вақтига тузилган меҳнат шартномаси ушбу ходим ишга қайтган кундан эътиборан бекор қилинади.

Шундай бўлса-да, кодексда баъзи истиснолар мавжуд. 408-модданинг 3-қисмига асосан, вақтинча бўлмаган ходим ўрнида муддатли шартнома асосида ишлайдиган ходим ҳомиладор бўлса, иш берувчи унинг соғлиғига тўғри келадиган бошқа ишга ўтказиш чорасини кўриши керак. Яъни, бундай имкониятдан таътилдаги ходимнинг ўрнида ишлаётган ходим ҳомиладор бўлсагина фойдалана олади. Агар бундай иш бўлмаса ёки ҳомиладор ходим бу ишни рад қилса, шундагина уни кодекснинг 158-моддаси билан ишдан бўшатиш мумкин.



“Янги Ўзбекистон” университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.



ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ билан Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети ташкил этилади.



Президент қарорига асосан, Ўзбекистонда ТАЪЛИМ СИФАТИ ва самарадорлигини ошириш лойиҳаси амалга оширилади.

Камбағал оилаларни камайтириш чорамиз бор

Маҳаллада 1 932 нафар аҳоли яшайди, ўзини пуқтамиз — хизмат кўрсатиш ва тадбиркорликдан фойдаланиб, ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришга эришяпмиз. Мисол учун, 2024 йилда ишсизлар сонин 53 нафарни ташкил этган бўлса, бугун бу рақам тенг ярмига қисқарди.



Акмалжон КЎЧҚОРОВ, Тўрткўл туманидаги “Марказобод” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Кувонарлиси, 2025 йилда ишсиз хотин-қизларнинг 11 нафари тадбиркорлик йўналишида ўзини ўзи банд қилди, 10 нафари доимий иш ўринларига жойлаштирилди. Жорий йилда илк мартаба “камбағал оилалар портрети”ни яратдик. 22 та оила танлаб олинди. Эндиликда уларни камбағалликдан чиқариш чорасини кўряпмиз.

Хатловда 162 нафар фуқаро чет элда ишлаши аниқланганди. “Маҳалла еттилиги” улар билан доимий алоқани йўлга қўйди. Натижада бугунги кунга қадар 75 нафари ватанга қайтди.

Камбағал оилалар билан манзилли ишлаб, уларга имтиёзли кредит ва субсидиялардан фойдаланиш маданиятини ўргатаймиз. Бу ўз натижасини берапти. Тарғибот тадбирлари

орқали ҳаёти тубдан ўзгарган оилалар кам эмас.

Ифтихор кўчаси 61-уйда яшовчи Малика Каримова — нафақахўр. Агар имтиёзли кредит олишда кўмаклашсак, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирди. Унга тавсиянома бердик. Шу зайдда ишсиз, эҳтиёжманд оила вакили даромадли иш ўрнига эга бўлди. Чорвачилик соҳасида ўзини ўзи банд қилди.

“Ёшлар дафтари”да рўйхатда турувчи Ёдгор Абдуллаев 5 млн. сўм маблағ ҳисобидан хизмат кўрсатиш йўналишида тадбиркорлигини бошлади.

Замондош кўчаси 90-уйда яшовчи Хуршида Кулиμβетова “Аёллар дафтари”да рўйхатда туради. Турмуш ўртоғи хорижда ишлайди. Унга субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. Бугунги кунда фуқаро ойига ўртача 4 млн. сўм даромад топомқда.

Гувоҳ бўлганингиздек, ҳар бир мисол ортидан инсонлар ҳаёти фаровонлашаётганини кўриш мумкин.

ИБРАТ

ИНСОН УЛУҒ, ХОТИРА МУҚАДДАС

Яхшиларнинг меҳри унутилмас лекин, Унутилмас улар олдидаги қарз!..

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг мазкур сап-рлари яхшиларга, яхшиликка қўйилган энг дилбар шеърин хайкаллардан бири, десак, муболага бўлмас.

Халқимизнинг маърифатпарвар, зиёли фарзанди, танлиқли давлат ва жамоат арбоби, шарқшунос олим, моҳир педагог ва дипломат Рустам Собирович Қосимов (1955-2021) ана шундай яхши инсонлардан эди. У киши ҳаёт бўлганида бу йил 70 ёшга қаршиллаган бўлар эди.

9 май – Хотира ва қадрлаш кунин арафасида яхшиларни ёд этаётиб, танлиқли тележурналист, раҳматли Соҳибжон Алижоновнинг “Бизни қаритолмас йиллар, замонлар...” китобидан ўрин олган Р.Қосимов ҳақидаги “Бир яхшилик тарихи” мақоласини ўқиб қолдик. Бир яхши инсоннинг бошқа бир яхши инсон ҳақидаги самимий битиклари бизни ҳам бефарқ қолдирмас, деган умидда, уни эътиборингизга ҳавола этишга жазм қилдик.



Бир яхшилик тарихи

Яхшилик юракка муҳрланаркан, йиллар ўтса-да, ёддан чиқмайди. Ҳаётимда кўп яхши одамларга дуч келганман, кўп яхшиликлар кўрганман. Улардан бири раҳматли Рустам Қосимов эди.

Очиғи, Рустам ака ҳақида ҳар ким ҳар хил гапирарди, лекин у кишининг менга, тўғрироғи, азиз бир одаминга қилган яхшилиғи ҳали-ҳамон эсимда.

Ўшанда 2004 йилнинг декабрь ойи, Талабалар шаҳарчасида “Маънавият маркази”нинг очилишига жадал тараддуд бўлаётган эди. Айниқса, очилиш маросимига Биринчи Президентимиз Ислам Каримов келиши кутилаётгани сабабли тайёргарлик ишларига катта куч, кўпчилик жалб қилинган эди. Хизмат тақозосига кўра мен ҳам уларнинг сафида эдим. Қиладиган ишимиз – янги марказнинг жиҳозланишига, ташриф дастурининг кўнгилдагидек тузилишига кўмаклашамиз, керак жойида йўл-йўриқ кўрсатамиз.

Ишбошимиз, ўша пайтда Бош вазир ўринбосари бўлган Рустам Қосимов, деярли ҳар кунин ўша ерда. Эрта-лаб бир, кечки пайт бир у кишининг бошчилиғида қисқа йиғилиш бўлади. Қилинган ишларнинг сарағи саракка, пучағи пучакка ажратилади, янги топшириқлар берилади.

Шундай йиғилишларнинг бирида қўл телефоним жиринглаб қолди, қарасам, қишлоқдан аям телефон қиялптилар. Олай десам, буёқда Рустам ака гапириб турибдилар. Хижолат бўйиб, аста кўзим билан имо қилиб, ташқарига чиқишга изн сўрадим. Бош ирғаб, руҳсат бердилар. Чикиб гаплашсам, аям овозида ташвиш, нохуш хабар айтдилар: “Соҳибжон, дадангнинг анчагина мазаси бўлмай қолди. Ошқозон яраси очилиб кетибди, қон тўхтамаяпти. Ҳозир касалхонадамиз, дўхтирлар, бўлмайди, дейишяпти. Мен Тошкентга, ўғлимнинг олди-га олиб бораёйлик, у бирор чорасини топар десам, етказиб бера олмайсизлар, дейишяпти”, дедилар йғи аралаш.

Аям гапиряптилару оёқ-қўлим музлаб, бошим ғувиллаб борапти. Амаллаб ўзимни қўлга олдим-да, “Тез йўлга чиқинлар, унча мен касалхонани ҳал қилиб қўяман”, дедим. Лекин, очиғи, қаерга олиб боришни, қайси касалхонага жойлашни билмайман...

Шу ерда бир нарсани атайай, у пайтда номи улуг ғидорада ишласак ҳам, “супрамиз анча куруқ”, қўл калта, унча-мунча амалдор гапимизни олавермас эди. Бошим қотганининг сабаби ҳам шундан. Худо бир йўлга бошлар, деган ўйда ичкарига кириб, жойимга ўтирдим.

Кимлар нималарни гапиряётгани қўлогимга кирмайди, ҳаёлим

жойида эмас. Ўн-ўн беш дақиқа ўтиб, аям яна телефон қилдилар. Яна имо-ишора билан руҳсат олиб, ташқарига чиқдим. Аям йўлга чиқиш-шаётганини айтиб, қаерга бораёйлик, уйгами ё тўғри касалхонагами, деб сўрадилар. Уйга келаверинлар, дедим. Чунки, ўйим охирига етмаган, қайси касалхонага боришимиз ҳалиям ноаниқ эди.

Яна ичкарига кирсам, мажлис туғаб, Рустам ака уч-тўрт киши билан гаплашиб турган эканлар. Менга кўзи тушиб, “Ҳа, Соҳибжон, нима гап? Нега безовта бўлиб қолдингиз?”, деб сўрадилар.

Ранг-рўйимдан нохушлик бўлганини сезган эканлар. Гарчи у киши Бош вазир ўринбосари, мен оддий ходим бўлсам ҳам, ҳозир тортин-чоқликнинг ўрни эмас, гап отамнинг ҳаёти устида эди. Шундай-шундай вазият, айтдим. “Ҳўш, қаерга олиб бормоқчисиз?”, дедилар. “Стационар”га олиб борсаммикан, деб турибман”, дедим (ишхонамиз

...Аям гапиряптилару оёқ-қўлим музлаб, бошим ғувиллаб борапти. Амаллаб ўзимни қўлга олдим-да, “Тез йўлга чиқинлар, унча мен касалхонани ҳал қилиб қўяман”, дедим. Лекин, очиғи, қаерга олиб боришни, қайси касалхонага жойлашни билмайман...

ҳукумат шифохонаси, оддий тилда “стационар”га бириктирилган эди). “Бўлмайди”, дедилар қатъийлик билан.

“Тагингизга қараганда, дадан-ғизни тез, оператив даволаш керак. Стационарда ундай имконият йўқ. Уларни “Тез тиббий”га олиб бора-сиз”, дедилар.

Очиғи, Чилонзорда шундай Марказ борлигини билардим-у, лекин шу пайтгача ишим тушмаган эди. Ҳаёлимдан “Қандай бўлади, кимга учрайман?”, деган саволлар кечди. Иккиланаётганимни сезган Рустам ака шартта телефонини олди-да, ўша пайтдаги солиқни сақлаш вазирининг рақамларини терди.

Вазир телефонни олғач, мендан дадамнинг исм-фамилияси, қачон етиб келишларини сўраб олди-да, унга “Фалон вақти шундай-шундай касални олиб боришади, назоратга олинлар”, деб топшириқ бердилар. Орадан уч-тўрт соат ўтиб, уйдагилар етиб келишди. Дадамнинг ахволи ҳақиқатан анча оғир эди. “Тез тиббий”га “учиб” бордик. Барака топишсин, докторлар кутиб туришган экан. Дарров реанимацияга олиб, дори-дармонни кучайтиришди. Ўн кун деганда оёққа қўйишди. Ён биринчи кунин, аниқ эсимда, 31 декабрда уйга олиб кетдим, янги йилни бирга кутиб олдик.

Шундай қилиб, бошида докторлар “Тошкентга етиб бора олмайди”, деган дадам яна 11 йил ашадилар ва ошқозони қайтиб безовта қилмади.

Соҳибжон АЛИЖОНОВ, журналист.

Узум барги барча ҳудуд, ҳатто хорижга ҳам сотилади

ТАЖРИБА

Маҳалламиз мевасазбавотчиллик, узумчиликка пхтисосланган. Бу борада катта тажриба тўпланган.

Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Тўрақўрғон туманидаги “Соҳибобод” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Аҳоли туман маркази ёки бошқа шаҳарларга бориб ишлашдан кўра, шу ернинг ўзида боғбону соҳибкорлик билан даромад топишни афзал билади. Шу боис бирорта бекорчини учратмайсиз. Ишсизликдан холи ҳудудимиз.

Йиғинда, асосан, узумнинг “кишмиш” нави етиштирилади. Жами 525 та хонадон бўлса, уларнинг 300 таси шу йўналишда даромад олади. Ҳудуддаги мавжуд 72 та фермер хўжалиғи 1 гектардан 5 гектаргача ер майдонига эга. Жами 300 гектар узумзорда 600 нафар аҳоли бандлиғи таъминланган.

Нормамат Ўролов 2 гектар узумзордан йилга 200 миллион сўм даромад топади. Тўртта иш ўрни яратган. Эътиборлиси, дехқонлари ток ораларига қулупнай, бодринг, помидор экиб, қўшимча фойда олмоқда. Бундан ташқари, дала қирғоғига турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилган. Шу ернинг ўзида чорвачилик билан шуғулланиш имконияти бор. Картошка, пиёз, сабзи, қарам, шафтоли, олмани ҳеч ким бозордан сотиб олмайди.



Йилдан-йилга соҳа такомиллашиб бормоқда. Мисол учун, яқингача миришкорлар узумни сақлаш учун қўшни Фарғона вилоятига олиб боришарди. У ерда совутиб, кейин экспортга сотиларди. Бу ортиқча харажат эди. Бугун барча жараён маҳалланинг ўзида амалга оширилмоқда. Фермер хўжалиғи раҳбари Аҳадхон Отахонов ташаббуси билан мева сақлаш учун музлаткич қурилди. Тадбиркорга 600 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Узумчиликда нафақат меваси, балки баргидан ҳам даромад топиш мумкин. Дастлаб барги йиғиштириб олинади ва бир

қисми ўша пайтнинг ўзида сотилиб, бир қисми тузлаб, қишга олиб қўйилади. Кейин навбат узумга келади. Ўзиб олиш, қадоклаш, ҳашарчиларни таомлантириш ва тайёр маҳсулотни маҳалладан олиб кетиш ишлари бажарилади. Ўзимизнинг кучимиз етмай, четдан 300-400 нафар ҳашарчи жалб этамиз. Узумдан қолгани майиз бўлади ва маҳаллий бозорда сотилади. Шундан сўнг қаламчаси янги имтиёзли кредит ажратилди.

Мавсум пайти маҳалладаги аксарият хонадон шу иш билан машғул. Битта барг ўртача 40-

ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ ҚАЙСИ ТАШКИЛОТГА БЎЙСУНАДИ?

Санобар ҲОШИМОВА, Ғузур тумани:

— Ҳоким ёрдамчиси ҳуқуқий жиҳатдан қайси ташкилотга бўйсунди? Туман ҳокимлигимиз, туман бандлик бўлимигами, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси туман бўлимигами ёки маҳалла раисига?

Аброр ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Ҳоким ёрдамчиси расмий жиҳатдан ҳокимга бўйсунди. Яъни у ишга ҳоким томонидан тайинланади ва ишдан бўшатилади. Аммо фаолиятига кўпинча туман бандлик бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳам аралашади. Жумладан, маҳалла раислари уларнинг иш самарадорлиғи кўрсаткичларини баҳолашда 20 баллгача овоз бериш имкониятига эга. Бундан ташқари, топшириқларни бажармаса ёки етарли

бажармаса, юқори турувчи органга тақдимнома киритади.

Ходимларнинг иш берувчиси ҳокимлик, туман бандлик бўлими уларнинг ишини мувофиқлаштирилади. Агар ўзига юкланган вазифаларни бажармаса, бандлик бўлими гарчи тўғридан-тўғри ишдан олиш ҳуқуқига эга бўлмаса-да, айрим ҳуқуқларга эга. Масалан, ҳокимга хизмат ёзуви (хат) юбориб, ёрдамчи топшириқларни бажармаётгани ҳақида маълумот бериб, чора кўришни сўрайди.

Ишчи гуруҳ ёки комиссия орқали текширув ташкиллаштириб, ёрдамчининг фаолияти ўрганилади.

Баҳолаш тизими орқали салбий хулоса бериб, рейтингни туширилади. Бу эса унинг ишдан олиниши учун асос бўлиши мумкин.

Топшириқларни қайта-қайта бажармаса, уни ишдан бўшатиш таклифи билан чиқади. Яъни, Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиғи ва унинг қуйи тизимлари воситачилик ва назорат қилувчи вазифасини бажаради.

МЕНДА САВОЛ БОР...



Номоддий маданий мерос намуналарини РЎЙХАТГА КИРИТИШ билан боғлиқ давлат хизматларини кўрсатиш тартиби белгиланди.



Бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича ХУКУМАТ ҚАРОРИ имзоланди.



Хукумат қарорига кўра, махсулотларнинг ЯГОНА ЭЛЕКТРОН МИЛЛИЙ КАТАЛОГИни юритиш тартиби белгиланди.

МАНЗАРА

Илм чекка ҳудудларгача етиб бориши керак...

Ҳарбий хизмат — йигит киши учун муқаддас бурч. Шу бурчни адо этиб қайтгач, маҳалламизда ёшлар етакчиси сифатида фаолиятимни бошладим. Ёшлар орасига кирганимда уларнинг феъл-атвори, юриш-туриши, оила ва жамият олдидаги масъулиятга бўлган муносабатини кўриб, баъзида уларни юмшоқлик билан тушунишга, баъзида эса ҳарбий интизомдаги қаттиққўллик билан йўл кўрсатишга тўғри келишини англадим.

Комилжон НОСИРБОВ,
Янгиобод туманидаги
“Хавотог” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Дастлаб бу иш менга бироз бегонадек туюлганди. Аммо ҳаётнинг ўзи эркак кишини ҳар қандай вазиятга мослаштиради. Ортга йўл йўқ эди. Мана, тўрт йилдирки, ёшлар етакчиси сифатида фаолият юритиб келяпман. Шу вақт мобайнида ёшлар орзуси, ишончи ва етак-

чилик масъулиятини оқлаш учун тинмай изланишга, тер тўкишга тўғри келди.

Фаолиятимни ёшларнинг моддий эҳтиёжларини қоплашдан бошладим. Чунки илмга сарфланган сармоя — келажакка қилинган энг тўғри сармоя, деган гап бежиз айтилмаган. Шу мақсадда 50 нафардан ортиқ ёшга шартнома пули тўлаб берилди. 30 нафардан зиёдига эҳтиёжига қараб бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. 40 нафар ишсиз йигит-қизни давлат ва хусусий корхоналарга ишга жойлашти-

дик. Ҳарбий хизматни ихтиёрий танлаган 20 нафар йигитга ҳарбий сафарбарлик захирасига қақирув билан боғлиқ харажатлар қоплаб берилди. Кам таъминланган оилалар фарзандларини ҳам эътибордан четда қолдирмаган ҳолда, 10 нафарига субсидия олиб бериб, фаолият юритиши учун имконият яратдик.

Ҳудудимизда чорвачилик ва деҳқончилик асосий даромад манбаи ҳисобланади. Шу боис жорий йилга қадар 80 нафар ёшга ер ажратилган бўлса, бу йил яна 20 нафар ёшга ер берилди. Улар имкониятни қўлдан бой бермай, зудлик билан ишга киришиб, арпа экиди. Бу ердан икки мавсумда даромад олишни мўлжаллаганимиз. Яқин кунларда арпа ўринини яқунлаб, полиз экинларини экишни бошлаймиз. “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг юртимиз бўйлаб ёшлар орасида кенг тарғиб қилинаётгани мени жуда қувонтиради. Ушбу



лойиҳа, айниқса, маҳалламиз ёшлари орасида катта оммабопликка эга бўлди. Ҳар бир ёш ўз иқтидорини намойиш этишда ҳеч нарсадан бўйича жамоамиз ўтган йили вилоят босқичида фахрли учинчи ўринни эгаллаган эди. Бу йилги мусобақада биринчи

ўринни қўлга киритиб, республика босқичида ғалаба қозониш учун ёшларимиз бор куч-ғайрати билан тайёргарлик кўрмоқда.

Яна бир мисол — “Ёш қурувчи” танловида иштирок этган Абдуқаҳҳор Ортиқбоев ўзининг ижодий чизмалари билан ўтган йили учинчи ўринга сазовор

бўлганди. Эндиликда яқинлашаётган навбатдаги танлов унинг учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Абдуқаҳҳор бор заковати ва ижодкорлигини ишга солиб, тенгдошларини ортда қолдириб, республика босқичида юқори ўринни эгаллаш учун янги чизмалар устида қизғин меҳнат қилмоқда.

Шундай кўрик-танловлар ва беллашувлар ёшларнинг нафақат жисмоний, балки ақлий қобилиятларини ҳам тўлиқ намоён этишига, уларнинг салоҳиятини рўйбга чиқаришига хизмат қилмоқда.

Яна бир орзум — чекка ҳудудда жойлашган маҳалламиз учун замонавий ўқув марказлари ташкил этилиши. Мактабларда тўғарақлар бор, албатта. Аммо тил ўрганиш ва замонавий йўналишлар бўйича малакали мутахассислар томонидан ўтилган курслар ёшлар билимини янада бойитади. Бу эса уларнинг келажигга замин яратади.

ТАҲЛИЛ

ИШ ЙЎҚЛИГИ — БАҲОНА ЭМАС: АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТИ ВА БУГУНГИ ҲАҚИҚАТ



Бугунги кунда алимент масаласи кўпчилик учун долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Хусусан, ишсиз ёки расмий даромадга эга бўлмаган алимент тўловчилар сони ортиб бораётгани бу масалани янада мурраккаблаштиряпти.

Муҳаммадумархон
АБДУВАХОБОВ,
алимент масалалари ва оилавий
муносабатлар бўйича эксперт.

Оила кодексининг 140-моддасига мувофиқ, агар алимент тўловчи иш билан таъминланмаган бўлса ёки унинг даромадини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, алимент миқдори мамлакатдаги ўртача ойлик иш ҳақи асосида ҳисобланади. Миллий статистика қўмитаси маълумотига кўра,

Асосий вазифам — маҳаллада хавфсиз муҳит яратиш, жиноятчиликнинг олдини олишдир. Бу мақсадларга эришишда шу ерда яшаб, ишлаётганим яхши самара берапти.

2025 йил ҳолатига Ўзбекистондаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори **6 368 158 сўми**ни ташкил этади. Шу асосда Мажбурий ижро бюроси (МИБ) алимент тўловчилар учун куйидаги ҳисоб-китобларни эълон қилган:

- **1 нафар бола учун — 1 592 039 сўм;**
- **2 нафар бола учун — 2 122 719 сўм;**
- **3 ёки ундан ортиқ бола учун — 3 184 079 сўм.**

Муаммо: иш йўқлиги орқасида яширинган масъулият. Айрим ҳолатларда алимент тўловчилар расмий ишда ишламаслигини баҳона қилиб, бола таъминотидан қочишга уринади. Аслида, бу — қонун олдига жавобгарликдан қочиш эмас, балки боланинг ҳақ-ҳуқуқларини бузишдир. Боланинг таъминоти — ота-онанинг тенг бурчи. Иш йўқлиги, расмий даромаднинг мавжуд эмаслиги каби сабаблар ота-оналик масъулиятини бекор қилмайди.

Яна бир муаммо — айрим тўловчиларнинг даромади но-расмий (нақд) шаклда бўлиши уларни ҳуқуқий тартибга солишни қийинлаштиради. Бу эса алимент олувчиларни иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволда қолдиради.

Таҳлил: ҳуқуқий асос ва ижтимоий реаллик. Ўзбекистон қонунчилигида бу масалаларга аниқ ёндашув мавжуд. Алимент тўловчи шахс ишсиз бўлса-да, унинг алимент мажбурияти сақланиб қолади. Қонунга кўра, бунда тўлов ўртача иш ҳақи асосида ҳисобланади, яъни бугунги ҳолатда камида **1,5 миллион сўмдан ортиқ**. Бу — иш йўқлиги ортида масъулиятдан қочиб бўлмаслигини англатади.

Алимент — фақат қонуний мажбурият эмас, балки инсоний ва ота-оналик бурчидир. Ишсизлик бу бурчдан озод қилмайди. Аксинча, боланинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш учун жамият бўлиб ҳаракат қилишимиз керак. Ҳар бир бола ўз эҳтиёжлари таъминланадиган, эътибордан четда қолмайдиган жамиятда улғайишга ҳақли.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Мардон ЁҚУБОВ.
Қумқўрғон тумани:

— Мен ипотека шартномаси асосида кредитга уй олган эдим. Ҳозирги эҳтиёжимдан келиб чиқиб, уйни сотмоқчи бўлсам, танишларим менга уйнинг кредитини тўлаб бўлмагунимча бунинг илоҳи йўқлигини айтаяпти. Шу тўғрими?

КРЕДИТГА ОЛИНГАН УЙНИ СОТСА БЎЛАДИМИ?

Менглимат АБДУРАҲМОНОВ,
Кадастр агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи:

— Амалиётда кредитга олинган уйлар олинган кредитнинг таъминоти сифатида гаровга қўйилади. Яъни ўртада тузилган гаров шартномасига асосан, то кредит қарздорлиги тўланмагунча ўша олган уйингизга банклар томонидан сотиш учун таъйик қўйилган бўлади.

Хўш, нима қилиш мумкин? Ипотека тўғрисида”ги қонуннинг 26-моддасида ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулк, агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага қўювчи томонидан сотиш, ҳада этиш, айирбошлаш орқали ёки ўзгага усулда фақат ипотекага олувчи(банк)нинг розилиги билан тасарруфдан чиқарилиши мумкинлиги кўрсатилган. Яъни агар банк сизга мабодо ўша уйни сотишингиз учун ёзма равишда розилик берса, шунда уйни сотишингиз мумкин бўлади, лекин банклардан бундай розиликни олиш қийин.



Бироқ бу имконсиз дегани эмас. Фуқаролик кодекси 322-моддасида қарзни бошқа шахсга ўтказиш деган норма бор. Агар кредит берган банк розилик берса, шу ипотека кредитини бошқа бир тўловга лаёқатли шахсга (яъни қарздорга, ёки сиз сотмоқчи бўлган ўша одамга) ўтказиш мумкин.

Бу қандай бажарилади? Бунда сиз билан банк ўртасида тузилган шартномага ўзгартириш киритилади ва шартнома бўйича сизнинг зиммангизда бўлган барча мажбуриятлар иккинчи шахсга ўтади. Банкларнинг шу шартга рози бўлиш эҳтимоли йўқ эмас.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ЧИРОҚЧИЛИК ФУҚАРО ДАВЛАТГА ЭЛЕКТР ТОКИ СОТЯПТИ

Чироқчи туманидаги “Хумо” маҳалласида яшовчи Бобомурод Суюнов давлатга электр энергияси сотяпти.

Гап шундаки, Б.Суюнов ўз хонадонига ўрнатган 20 кВт. соат қувватли қуёш фотоэлектр станцияси орқали нафақат ўз эҳтиёжини таъминлаяпти, балки ортиқча ишлаб чиқарилган энергияни давлатга сотиб, мўмай даромад топяпти. Унинг қайд этишича, қуёш фотоэлектр станцияси ҳар куни ўртача 140-150 минг сўмга тенг ортиқча энергия ишлаб чиқаради. Бу ойига тах-

минан 4-4,5 миллион сўм дегани.

Электр таъминоти корхонаси унинг ишлаб чиқараётган энергиясини қафолатланган тарзда сотиб олади. Б.Суюновнинг қуёш энергиясидан фойдаланиш тажрибаси жамиятга энергия таъминоти бўйича янги ёндашувни тақдим этмоқда ва бу нафақат иқтисодий, балки экологик жиҳатдан ҳам самарали ҳисобланади.



БУГУН — МАҲАЛЛАМДА САЙЛОВ!



«Mahalla» газетасининг фуқаролар йиғинлари раислари сайловига бағишланган иловаси

2025 йил 3 май,
ШАНБА

2025 йил 1 май санасидан 9 452 та маҳаллада фуқаролар йиғинлари раислари сайлови бошланди. Бу муҳим сиёсий жараёнларни мунтазам ёритиб бориш мақсадида май-июль ойлари давомида “Mahalla” газетасининг тажриба тариқасида махсус иловалари муштарийларга тақдим этиб борилади. Иловаларда сайловга оид янгиликлар, янги сайланган раисларнинг келгуси мақсадлари, режалари, таклиф ва мулоҳазалари, сайлов қонунчилигига оид ҳуқуқий тушунтиришлар ёритилади.

ФИКР

Маҳаллага беш йиллик дастур тақдим этилди

Худудимизда бўлиб ўтган сайлов жараёнлари натижасига кўра, 65 фоиз овоз тўплаб, амалдаги лавозимимга қайта сайландим. Бу аввал бошлаб қўйган кўплаб ишларимни давом эттириш имконини беради.



Акmalжон РАҲМОНОВ, Андижон шаҳридаги “Пистамозор” маҳалласи раиси.

Маҳалладаги уч йиллик раислик фаолиятим давомида кўплаб ишларни амалга оширишга ҳаракат қилдим. Хусусан, бешта кўчани тўлиқ асфальтлаштирдик. Канализация қувири ишга туширилди. Трансформатор ва ёғоч устунлар янгиланди. 2025 йилда қолган иккита кўчанинг инфратузилмасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Битта кўчадаги эллик йиллик ичимлик сув қувирини бошдан охиригача ўзгартирмоқчимиз. Дастуриمنىнг асосий масалаларидан бири ҳам айнан шу.

Бундан ташқари, худудимиздан оқиб ўтадиган катта анҳорга чархпалак ўрнатиб, аҳоли томорқаларига оқова суви киришини таъминлашни режалаштирганмиз. Бу хонадонлардаги ерлардан унумли фойдаланиш ҳамда маҳалламизни обод масканга айлантиришда муҳим аҳамият касб этиши аниқ.

Кейинги масала — уюшмаган ёшлар билан ишлаш қаровинини кенгайтиришдан иборат. Уларнинг ўқиши, келажакда қайси касб эгаси бўлиши, орзу ва мақсадларини ҳақида мактаб директори, ўқитувчиси ҳамда ота-онаси билан суҳбатлар ташкил этилади. Ўғил-қизларимиз касбининг ҳақиқий эгаси бўлиши учун нима керак бўлса, барчасини муҳайё қиламиз. Ҳаёли чалғимаслиги, вақти бесамар ўтмаслиги учун аллақачон манзилли ишлар бошлаб юборилган.

Ражаларимиз орасида ёши улуғ, якка-ёлғиз яшаётган нурунийларнинг ҳолидан мунтазам равишда хабар олишга алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг саломатлигини тиклаш, мароқли дам олишини таъминлаш мақсадида босқичма-босқич санаторийларга юбормоқчимиз. Қолаверса, ички туризмни ривожлантирган ҳолда, кекса авлод вакиллари билан бирга Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштирмоқчимиз. Юрт кўриш, бошқа манзилларга ташриф буюриш уларнинг кайфиятини янада кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Асосий лойиҳаларимиздан яна бири — худуддан оқиб ўтадиган анҳорда ўрдақчиликни йўлга қўйишдан иборат. Айни вақтга қадар 4 та оила вакиллари шу йўналишда ўзини сынаб кўриш истагини билдирди. Ҳоким ёрдамчиси уларга имтиёзли кредит олишда кўмаклашади. Шу залда аҳоли бандлигини таъминлаймиз. Агар соҳани муваффақиятли ривожлантиришга эришсак, аҳолини гушт ва тухум маҳсулотлари билан таъминлаш имкони янада ортади.

Бугун қай соҳага қўл урмайлик, қайси йўналишни ривожлантирмайлик, фақатгина халқнинг фаровон турмуш кечириши кўзлағамиз. Уларнинг меҳнат қилиши учун муносиб шароит яратиб, даромадини ошириш орқали маҳаллани камбағалликдан холи ҳудудга айлантирамиз. Одамларнинг ҳаётдан мамнун, давлатдан рози яшаши учун кунни тунга улаб чарчамаймиз. Зеро, маҳаллам — менинг оилам демек!



Вакиллар ўз хоҳишини эркин ифода этишди

Жойларда маҳалла раислари сайлови фуқароларнинг юқори фаоллиги, ташаббускорлиги, йиғин тақдирига дахлдорлик туйғуси билан ташкил этиляпти.

Қорақалпоғистон Республикаси. Худуддаги 452 та фуқаролар йиғинида раисларни сайлаш тадбири бошланди. Хусусан, Нукус шаҳридаги “Наўқан боғ” маҳалласида муҳим жараён бўлиб ўтди. Бу йилги маҳалла раислари сайловини янгича демократик, очиклик ва ошқоралик, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш тамойилларига мос тарзда ўтказиш бўйича барча куч ва имкониятлар сафарбар этиляпти. Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилаётган сайлов тадбирларида 142 минг нафардан орტიқ вакиллар иштирок этиши кутилмоқда.

Шунингдек, маҳалла раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида кенг

ёритиш бўйича Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси томонидан махсус медиа-режа ишлаб чиқилди. Сайловни ўтказиш ва унда фуқароларнинг иштирок этиш тартиби бўйича расмий веб-сайт ва худудий ижтимоий тармоқларда кундалик маълумотлар бериб бориляпти.

“Наўқан боғ” маҳалласида сайловни ташкил этувчи ва ўтказувчи тегишли ишчи гуруҳ аъзолари билан бирга, 300 нафардан орტიқ маҳалла вакили иштирок этди. Тадбирда овоз бериш йўли билан йиғилиш қотиби, аъзолари ҳамда санок комиссияси тасдиқланди. Шундан сўнг, йиғилганларга йиғин раиси лавозимига номзодларнинг таржimai холи ва меҳнат фаолияти таништирилди. Якунда энг кўп овоз олган амалдаги раис Замира



Айтбаева “Наўқан боғ” маҳалласи раиси этиб сайланди.

Тошкент шаҳри. Сайлов жараёнлари пойтахтимиз маҳаллаларида ҳам кўтаринки руҳда ташкил этиляпти.

Миробод туманидаги “Олтинкўл” маҳалласида ўтказилган ана шундай сайловда худуд аҳлининг фаоллиги, масъулияти, ўз тақдирига бефарқ эмаслиги намоён бўлди. Умумий аҳоли сони 4 791 нафарни ташкил этган маҳаллада 2 600 нафар сайлаш ҳуқуқига эга фуқаро бор. Сайловга тайёргарлик кўриш жараёнида уларнинг 312 нафари вакил этиб сайланди.

Сайлов жараёни очиклик ва шаффофлик тамойиллари асосида, жамоатчилик иштирокида ўтказилди. Унда йиғин аҳли ўзлари муносиб деб билган номзодга овоз бериб, маҳалланинг келгуси беш йиллик фаолиятини, тараққиётини янги раисга ишониб топширишди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Нодира ТЕМИРОВА.
Қарши шаҳри:
— Маҳалламизда бўлиб ўтаётган фуқаролар йиғини раиси сайловида қатнашмоқчиман. Аммо мен яқинда бу маҳаллага кўчиб келдим ва ҳали доимий рўйхатдан ўтмадим. Шу ҳолатда сайловда қатнашиш ҳуқуқим борми?

Овоз бериш учун маҳаллада муқим яшаш керакми?

Наргиза ХОНҚУЛОВА,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Қарши шаҳар бўлими бошлиғи:

— “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси сайловида фақат тегишли худудда доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиши мумкин.

Қонуннинг 3-моддасида шундай дейилади:

“Фуқаролар йиғини раисини сайлаш ҳуқуқига сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек шаҳардаги, шаҳарчадаги, қишлоқдаги, овулдаги маҳалла худудида доимий яшовчи фуқаролар эга бўлади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар фуқаролар йиғини раиси сайловида иштирок этиши мумкин эмас”.

Кўриниб турибдики, маҳалла раислари сайловида қатнашиш учун фуқароларнинг вақтинчалик яшаш жойи эмас, айнан доимий турар жойи асосий мезон сифатида белгиланган. Доимий рўйхатдан ўтмаган шахслар сайловда овоз бера олмайдди.

Юқоридагиларга кўра, агар сиз ҳали янги кўчиб келган маҳаллангизда доимий рўйхатдан ўтмаган бўлсангиз, ушбу сайловда қатнаша олмайсиз.

МИНБАР

“Раислик — шараф, ўз навбатида, катта масъулият”

Фуқаролар йиғинлари раислари сайловида маҳалладошларим менга яна бир бор ишонч билдириб, маҳалла раислигига қайта сайлашди. Мен учун бу шараф, ўз навбатида, катта масъулият. Бу ишончни оқлашга, бор билим ва тажрибамни маҳалламиз, юртимиз равнақи учун сарфлашга ҳаракат қиламан.



Бахтиёр РАҲИМОВ, Пастдарғом туманидаги “Туркман” маҳалласи раиси.

Эндиликда менга юклатилаётган вазифанинг масъулияти ва жавобгар-

лигини ҳис этган ҳолда, “еттилик” аъзолари билан ҳамжиҳатликда худудни ҳар томонлама ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошираман. Аввало, маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаймиз, ёт иллатларнинг олдини оламиз, маънавий-маърифий, маданий ва тарбиявий тадбир-

лар изчиллигига эътибор қаратамиз. Қолаверса, “еттилик” билан яқин ҳамкорликда оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, оилалардаги тинчлик ва тотувликни таъминлашда бор имкониятнинг ишга соламан.

Аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавий-ижтимоий фаоллигини ошириш, жойларда маданий ва маърифий тадбирлар, учрашувлар, ижодий кечаларни ташкил этиш, ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам диққат марказимизда бўлади. Ёлғиз яшовчи, муҳтож оилаларга алоҳида моддий ҳамда маънавий эътибор қаратиш, уларга ҳомийлар бириктириб, моддий қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ногирон болаларга ҳамда кексаларга кўмаклашишни бурчим, деб биламан.

Воғда етмаганлар ўртасида гиёҳвандлик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, одам савдосига қарши курашиш, терроризм ва экстремизмга мойил фуқаролар билан, айниқса, ёшлар билан кенг кўламли тушунтириш ишларини олиб бориш, ўқувчиларнинг руҳияти ва маънавий тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган турли омиллардан уларни ҳи-

моялашни ташкил этаман. Алкоголь ва гиёҳвандлик моддалари истеъмолнинг зарари тўғрисида аҳоли орасида кенг кўламли тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришни кучайтираман.

Умумтаълим мактаби, коллеж ва академик лицей ўқувчилари давоматини назоратга олиш, ота-оналар билан мунтазам алоқада бўлиш, “Оила — маҳалла — таълим-муассасаси” ҳамкорлигини кучайтириш бўйича амалий ёрдам кўрсатаман. Кўп қаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш ишларини доимий назорат қиламан.

Маҳаллада аҳоли миграцияси рўйхатини тўлиқ шакллантириб бориш, чет давлатларга ишлаш учун узоқ муддатга кетганларнинг оила аъзолари билан мунтазам равишда суҳбатлар ўтказиш, уларнинг турмуш тарзини ўрганиб боришни қатъий назоратга оламан.

Ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, хунарамандчилик, чорвачилик, паррандачилик, деҳқончилик, шахсий томорқа ҳўжалиги билан шуғулланиш масалаларида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошираман.



“Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонунга кўра, бўшаб қолган ўринга янги сайланадиган маҳалла раиси тўлиқ беш йил муддатга сайланади. Бу дегани, бўшаб қолган ўринга янги сайланган маҳалла раислари тўлиқ беш йил давомида фаолият юритиб, маҳалла ҳудудида амалга оширмоқчи бўлган вазифаларини тўлиқ бажариши учун имконият яратилди.

6 №36-37 | 2025 йил 3 май, шанба

Маҳалла

БУГУН — МАҲАЛЛАДА САЙЛОВ!

РАИС ФИКРИ

Маҳалла раиси — халқ хизматкори демак!



Агар кунига 3-4 кишининг юмушини ҳал қилиб бермасам, кўнглим жойига тушмайди. Имкон қадар одамларга ёрдам қўлини чўзгим келади. Аслида ҳам маҳалла раиси — халқ хизматкори демак. Бу қандайдир мансаб ёки амал эмас. Фақатгина фидокорлик ва жонқуярлик талаб этадиган бурчдир.

Мухторжон ИЛҲОМОВ,
Учтепа туманидаги
“Учтепа” маҳалласи раиси,
“Дўстлик” ордени соҳиби.

Йигирма беш йилдан буён ўзим тўғилиб ўсган маҳаллага раислик қилиб келаётган эдим. Куни кеча бўлиб ўтган сайловда 75 фоиз овоз билан такорор шу масъулиятли вазифада иш бошладим. Жараён жуда шаффоф ва ҳолис

руҳда ўтди. Аввалига 5 кишининг номзоди кўрсатилган эди. Кейин Зухриддин Пўлатов иккинчи қолдик. Танлаб олинган 287 нафар вакилнинг барчаси фаоллик билан ўз овозини беришди. Халқнинг менга қайта ишонч билдирганидан олдимда ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўпчилигини англаб етдим. Янги қонунчиликка кўра, маҳалла раисларининг 5 йил муддатга сайланиши аниқ кутилган янгиллик бўлди. Бу бошланган ишларни якунига етказиш, кутилган натижаларга

эришиш имконини беради.

Аслида, раис лавозимида фаолият юритадиган киши ўша маҳаллада истиқомат қилиши керак, деб ҳисоблайман. Шу маънода ҳудудни, ўша ерда яшайдиган аҳоли вакилларини беш кўлдек яхши билиши зарур. Юриш-туриши, одоб-ахлоқи ва оиласи билан ҳаммага намуна бўлсагина, бошқаларни ортидан эргаштириши мумкин. Ишончим комилки, агар ҳар бир ҳодим шу ёндашув асосида фаолият юритадиган бўлса, ҳеч қандай муаммо бизга тўсиқ бўлолмайди.

Айни вақтда ҳудудимизда 4 286 нафар фуқаро истиқомат қилади. Аҳоли вакиллари, асосан, хунармандчилик, тадбиркорлик ҳамда чорвачилик билан шуғулланади. Бугун одамларимизнинг ҳаётий қарашлари анча ўзгарган. Ҳамма ўз устида ишлашга, даромадини



Аҳоли вакиллари, асосан, хунармандчилик, тадбиркорлик ҳамда чорвачилик билан шуғулланади. Бугун одамларимизнинг ҳаётий қарашлари анча ўзгарган. Ҳамма ўз устида ишлашга, даромадини оширишга ҳаракат қилапти.

бу оширишга ҳаракат қилапти. Бу ўз-ўзидан рўй бераётгани йўқ. Барча муаммолар маҳалланинг ўзида ечим топапти. Раҳбарлар қўйи тизимга тушиб, “фуқаро-бай” ишлашни йўлга қўйишган. Уй-жой харид қилиш, субсидия ва кредит олиш, олий таълим учун шартнома пулларини тўлаб бериш каби масалалар жойида ечим топапти.

Олдинда бизни жуда катта юмушлар кутиб турибди. Янгидан сайланган раис сифатида бундан буён асосий эътиборимни ёшларга қаратмоқчиман. “Маҳалла — оила — таълим муассасаси” тамойили асосида ҳудудимиздаги мактаб ва лицейлар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатмоқчиман. Давомати яхши бўлмаган ўқувчилар билан тизимли ишлаб, муаммоларини бартараф этамиз. Ўғил-қизларимизнинг китобхонлик маданиятини оширадиган тадбирлар ташкиллаштирамиз. Ўйлайманки, бу жабҳада қилинган меҳнат эртага ўн баробар бўлиб натижасини кўрсатади.

Шу билан бирга, узоқ муддатли миграцияга кетган 23 нафар фуқаро билан алоқаларни янада яхшилашни ният қилганман. Улар билан онлайн тарзда суҳбатлашиб, фаолиятини мунтазам равишда кузатиб борамиз. Керак бўлса, юртимизга қайтариш учун янги бизнес лойиҳалар тақдир қилмоқчимиз.

Маҳалламиздаги тўртта кўп қаватли уй атрофини кўркам боғ-роғларга айлантириш ниятим бор. Кўчаларга етти-саккиз йил аввал ўрнатилган кузатув камераларини аниқлаб, ҳавфсизликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Бир сўз билан айтганда, тўрт-беш йиллик “яшил ҳудуд” макомини бундан-да аъло тарзда сақлаб қолишда янада шижоат билан меҳнат қиламиз.

НУҚТАИ НАЗАР

“ХАЛҚ ИШОНЧИ — МЕНИНГ КУЧИМ, ХИЗМАТ ЭСА БУРЧИМ”

2022 йилда биринчи маротаба сайлов йўли билан маҳалла раислигига сайлангандим. Мана, орадан уч йил ўтиб, яна шу улғу вазифани бажариш бахти менга насиб этди. Бу ҳолат, энг аввало, маҳалладошларимнинг менга бўлган ишончи, ҳурмати ва меҳрини яна бир бор ҳис этишга сабаб бўлди.



Нигора ЙЎЛДОШЕВА,
Навбахор туманидаги
“Гулистон” маҳалласи раиси.

Раисликка киришгунимча ҳам оддий фуқаро сифатида сайловларда фаол иштирок этганман. Шунинг билан айта оламаники, маҳалла раиси сайлови ҳозирги кунда энг ҳолис, ҳаққоний ва шаффоф тарзда ўтаётди. Тумanning чекка ҳудудида жойлашган маҳалламизда 2 127 нафар аҳоли истиқомат қилади. Сайловда 233 нафар вакилдан 203 нафари фаол иштирок этди. Бу жуда яхши кўрсаткич.

Бу йилги сайловлар аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Энди одамлар бундай жараёнларга жиддий, масъулият билан ёндашмоқда. Сайловлар ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали кенг ахборот берилиб, бу орқали одамлар сайлов тартиби, номзодлар ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлишарди. Жумладан, маҳалламизда ҳам номзодлар ҳақида аҳолига олдиндан маълумот берилди. Телеграмдаги гуруҳимизда 1 770 нафар аъзо сайлов жараёнини бевосита кузатиб боришди. Шунингдек, сайлов олдиндан Ишчи гуруҳ бешта кўчада ййгилишлар ўтказиб, ҳар бир ҳудуддан вакиллар танлаб олди. Масалан, 100 нафар аҳоли истиқомат қиладиган кўчадан 12 нафар вакил сайловда иштирок этиш учун тақлиф этилди. Бу орқали аҳолининг вакиллик иштироки ва фаолияти ошди.

Маҳалламиз “яшил” ҳудудда жойлашган бўлиб, бу ерда бирорта жиноятчилик, кўнглисизлик ҳолатлари ёки оилавий ажралишлар қайд этилмаган. Аҳоли оқсоқиллар, тотув ҳаёт кечиряпти. Шу боис туман миқёсида сайлов жараёнлари айнан бизнинг ҳудудда биринчи бўлиб кўтаринки руҳда ва тартибли тарзда ўтказилди.

Сайловда аҳолининг 90 фоизи фаол иштирок этди. Бу уларнинг маҳалла тизимига, ййгиндаги масъул шахсларга бефарқ эмаслигидан далолат беради. Фуқароларнинг билдирган ишончи ва эътибори менга катта куч ҳамда шижоат бағишлайди.

Сайловдан ўтиш — бир босқични енгиб ўтиш бўлса, энди ундан-да улғу вазифалар олдимизда турибди. Чунки маҳалла раиси учун энг катта масъулият, бу — маҳалланинг тинчлиги, фуқароларнинг оқсоқиллиги ва фаровон ҳаёт кечиряпти. Ҳудуд шароитидан келиб чиқиб, аҳолини деҳқончилик ва чорвачиликда банд қилиш, барқарор даромадга эга бўлиши ва фаровон ҳаёт кечиряшини таъминлаш — биз, маҳалла фаолларининг асосий мақсадимиздир.

Сайловдан дастурийга кўра, маҳалламизда 150 та кўча чироғи ва 10 та кузатув камерасини ўрнатишни режалаштирганмиз. Бу тақдирини маҳалладошларимиз илқ қилиб олишди. Раис сифатида сайлангандан кунимдан берилган ваъдаларни амалиётга жорий этишга киришдим. Жумладан, маҳалламизда Наманган тажрибаси асосида ўрдақчилик лойиҳасини йўлга қўйяпти. Бу лойиҳа орқали ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаймиз. Бундан ташқари, инфратузилмани янада ривожлантириб, ййгини республика даражасидаги намунали ҳудудга айлантиришни олдимга асосий вазифа сифатида қўйганман.

Бизда дам олиш йўқ — эрталабдан кечгача, тинимсиз меҳнатдаман. Чунки халқ хизматида бўлиш, ишонч оқлаш, бу — ҳар қандай лавозимдан учун масъулиятдир.

“САЙЛОВ — 2025”

ЙИҒИН ЕТАКЧИЛИГИ — ОДАМЛАР ТАҚДИРИ ВА КЕЛАЖАГИГА ДАХЛДОР ВАЗИФА!

Маҳалла раислари сайлови республикаимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки кайфиятда ўтказилляпти.



Фарғона вилояти. Ҳудуддаги сайловларда фуқаролар ййғини раиси лавозимига бой ҳаётий тажрибага эга, аҳоли ўртасида катта ҳурмат-этиборга сазовор бўлган, билимдон, адолатли, кўпни кўрган, маҳалла аҳлини хайрли ишларга эргаштира оладиган, ташаббускор, ташкилотчилик қобилиятига эга муносиб номзодлар сайланмоқда.

Сўх туманидаги “Сариканда” маҳалласида сайлов алоҳида тайёргарлик билан ўтказилди. Фуқаролар вакиллари ишбу муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнда фаоллик кўрсатди. Демократик тамойиллар асосида ўтган сайловда 263 нафар фуқаролар вакиллари иштирок этиб, уларнинг 203 нафари маҳаллани бугунга қадар бошқариб келган Баҳодир Сафоев номзодини қўллаб-қувватлашди.

— Маҳалла раиси сайлови аҳолининг ҳамжиҳатлиги, ўз тақдирига бефарқ эмаслигини ўзида намоён этди, — дейди Баҳодир Сафоев. — Ҳудуд аҳли менга қайта ишонч билдирганидан мамнунман. Бу елкамга улкан масъулият юклайди, албатта. Сайлов дастурийига “еттилик” аъзолари билан биргаликда амалга ошириладиган қатор хайрли ишларни қирғандим. Эндиларда бирдамликда, ҳамжиҳатликда маҳалла ривож, одамларнинг фаровон яшаши учун интиламиз.

Фуқаролар ййғинларини раиси сайлови вилоятдаги маҳаллаларда белгиланган муддат, тартиб ва демократик тамойиллар асосида ўтказилади.

Жиззах вилояти. Зарбдор туманидаги Навоий номидаги маҳаллада фуқаролар ййғини раиси сайлови бўлиб ўтди. Бу сайлов тумандаги маҳаллалар орасида биринчилардан бўлиб ўтказилди.

“Фуқаролар ййғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгаришларга кўра, маҳалла раислари 5 йил муддатга сайланади. Бу ўзгариш маҳалла бошқарувида барқарорликни таъминлаб, узоқ муддатли режаларни амалга оширишга имкон яратди.

Навоий номидаги маҳаллада ташкил этилган сайлов очик ва шаффоф муҳитда, маҳалла фаоллари, нуронийлар, ёшлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилди. Номзодлар ўз дастурлари билан иштирок этиб, фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Яқинда маҳалланинг амалдаги раиси Абдували Бозоров 72 фоиз овоз билан 5 йиллик муддатга сайланди.



Сурхондарё вилояти. Бойсун туманидаги олис “Дуоба” маҳалласида бўлиб ўтган сайловда икки номзод ўз дастури билан иштирок этди. Маҳаллада 2 613 нафар киши яшайди. Ишчи гуруҳ аъзолари 1 575 нафар сайлов ёшига етган ва сайлаш ҳуқуқига эга фуқаролардан 189 нафар вакилни сайлаган. Қонунчиликка мувофиқ, очик, шаффоф яширин овоз бериш жараёнида 135 нафар сайловчи Тилло Низомов номзодини қўллаб-қувватлаб, маҳалла раиси лавозимига сайлади.

— Бу йилги маҳалла раиси сайлови янги мезонлар асосида ўтказилди, — дейди шу ерда яшовчи 85 ёшли меҳнат фахрийси Мухаммади Раёсов. — Номзодлар ўз дастурлари билан қатнашгани бўлғуси раиснинг вазифасига қандай тартибда ёндашаётганини намойиш этди. Масъулият ҳиссини қўнаттирди. Илгари маҳалла раиси сайловида бунақа талаблар йўқ эди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда маҳаллаларга қаратилаётган эътибор ва аҳолининг янада осуда, тўқин турмушини таъминлаш йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликни ифодасидир.

Туманда 39 та маҳалла фуқаролар ййғини мавжуд. Белгиланган тартибга кўра, уларда май-июль ойларида сайловлар босқичма-босқич ўтказилади.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг маҳалла раиси сайловларини ташкиллаштиришга оид ваколатлари номарказлаштирилди. Яъни сайловни ўтказиш муддатларини белгилаш, шунингдек, унга тайёргарлик кўриш тартибини белгилаш бўйича Сенат Кенгашининг ваколатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ўтказилди.



БУГУН — МАҲАЛЛАДА САЙЛОВ!

ТАҲЛИЛ

САЙЛОВНИ ЎТКАЗИШДА ФИДОЙИЛИК КЎРСАТИНГ!



2025 йил 11 февраль санасида фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш бўйича қонун қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонунга бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Шерали ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмиси
Самарқанд вилояти бошқармаси
бошлиғи.



Қонунга кўра, фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда унинг муддатини белгилаш халқ депутатлари ҳудудий Кенгашлар ваколатига ўтказилди.

Маълумки, “маҳалла етти-лиги”нинг умумий раҳбари сифатида маҳалла раисларининг масъулияти оширилаётган бир вақтда уларнинг ваколат муддатининг қисқалиги, ўз билим ва тажрибасини амалиётда қўллаш, белгиланган режаларни тўла ва сифатли амалга ошириши учун етарли эмаслиги сезилаётган эди. Шу боис фуқаролар йиғини раиси ваколат муддати олдинги 3 йилдан 5 йилга узайтирилди.

Бу ўзгартириш, ўз навбатида, фуқаролар йиғини раисларининг ўзлари фаолият юритадиган ҳудуд аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан янада кенгрок хабардор бўлиши, фуқароларга ёрдам кўрсатишда тўғри ва талабчан ёндашиш борасидаги имкониятларини яратди.

Қонунга кўра, фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда унинг муддатини белгилаш халқ депутатлари ҳудудий Кенгашлар ваколатига ўтказилди.

Шунингдек, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларнинг асосий вазифалари белгиланди. Сайловга доир ҳужжатларнинг намуналари, сайлов бюллетенларини тасдиқлаш, сайлов бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш шулар жумласидан.

Янги таҳрирдаги қонунга асосан, май-июль ойларида Самарқанд вилоятида 1 126 та маҳаллада сайловлар ўтказилади. Бу борада халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияси қарори билан сайловга кўмаклашувчи комиссия таркиби ҳамда “Йўл хари-таси” тасдиқланган. Барча ҳудудларда маҳаллий Кенгашлар сессиялари ўтказилди ва уларда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар таркиби тасдиқланди.

Сайлов жараёнида маҳаллаларда ташкил этиладиган Ишчи гуруҳлар томонидан сайловгача бўлган муддатда амалга ошириладиган ишлар белги-лаб берилди. Уларга сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тавсиялар ва намунавий ҳужжатларнинг тўплами етказилди.

Сайловларни белгиланган тар-тибда ўтказиш мақсадида 320 нафардан иборат ҳудудий комисси-ялар ва 1 126 та маҳаллада ташкил этилган Ишчи гуруҳларнинг 10 минг 192 нафар аъзолари иштини самарали ташкил этиш бўйича ўқувлар ташкил этилди.

Маълумот учун, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида вилоят

бўйича 1,5 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилиши режалаштирилди. Бу ҳар бир маҳалла учун ўртача 1 миллион 376 минг сўмдан тақсим-ланади, демакдир.

Сайланган раислар учун июль-ав-густ ойларида маҳалланинг ташки-лий-ҳуқуқий асослари, раисларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбурият-ларини тушунтириш ҳамда уларни амалиётда қўллаш бўйича ўқувлар ташкил этилади. Ўқувларда маҳалла-ни ишсизлик, жиноятчилик, оилавий ажралишлар, камбағаллик, миграция, коррупциядан холи ҳудудга айлан-тириш, аҳоли билан мулоқот ўтказиш-нинг психологик жиҳатлари, уларни турмуш тарзига жалб қилиш каби энг муҳим вазифаларига алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бирга, маҳалла раисларининг ахборот-коммуника-ция технологиялари ҳамда “Рақамли маҳалла” платформаси билан ишлаш бўйича билимлари ҳам оширилади.

Шу ўринда юртдошларимиздан, кўмаклашувчи комиссиялар аъзола-ридан, умуман, фаол фуқаролардан ўзлари яшаб турган маҳалланинг раиси сайловини ташкил этишда, уни самарали ўтказишда фидойилик кўр-сатишларини сўраб қоламиз. Келгуси беш йил давомида жонажон маҳалла-мизга, юртимизнинг ривожига ҳисса қўша оладиган, фуқаролар муш-кулни осон қилишга қурб етадиган, билими, ҳаётий тажрибаси, бошқарув қобилияти бор номзодларга бевосита боғлиқлигини эслатиб ўтмоқчиман.



ЖАРАЁН

“ЎЗИМ МУНОСИБ ДЕБ БИЛГАН НОМЗОДГА ОВОЗ БЕРДИМ”

Жойларда ташкил этилаётган маҳалла раислари сайловларида аҳоли вакиллари фаол иштирок этиб, ўзлари танлаган, маҳалласи ривожига ҳисса қўшишга ишонган номзодларга овоз берапти.

Хоразм вилояти. Мамла-кат бўйлаб ўтказилаётган маҳалла раислари сайлови Хоразм вилоятида ҳам кўтаринки руҳда бошланди. Бу йилги сай-лов 531 та маҳалладан 22 таси ихчамлаштирилгани учун 509 та маҳаллада ўтказилади. Хонқа туманидаги “Гулистон” маҳалласида юртдошларимиз ушбу муҳим жараёнга ҳисса қўшиш ниятида эрталабдан овоз бериш учун белгиланган манзил-да ҳозир бўлишди. Фуқаролар дастлаб номзодларнинг маҳалла-ни ижтимоий-иқтисодий ривож-лантириш борасидаги сайловолди дастури билан таништирилди. Шундан сўнг, барча вакиллар ўзларига муносиб деб билган номзодга овоз берди.

— Бугунги сайлов шаффоф ва очиқлик асосида бўлиб ўтди, — дейди “Гулистон” маҳалласи-да яшовчи Шокир Бобоқонов. — Аввал номзодларнинг дастури билан танишдик. Менга ҳар икки номзоднинг келгуси режалари маъқул келди. Лекин ўзим муносиб деб билган номзодга овоз бердим. Бугун сайланган маҳалла раиси келгусида маҳалламизни обод ва ҳар жиҳатдан ижобий натижа-ларга эришишида куч-гайратини аямаслигига ишонаман.

Сирдарё вилояти. Ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга жараёни Боёвут туманида юқори савияда ташкил этиш учун барча маҳаллаларда кенг қамров-ли тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

Тумандаги 39 та маҳаллада сайловлар уюшқоқлик, ҳалқчил-лик ва очиқ-ошқоралик тамойил-лари асосида ўтказилмоқда. Сай-лов жараёнлари аҳоли томонидан фаол қўллаб-қувватланяпти. Жумладан, “Наврўз” маҳалласида бўлиб ўтган сайлов намунавий тарзда ташкил этилди. Маҳаллада жами 3 115 нафар аҳоли истико-мат қилади, шундан 1 541 нафари сайлов ҳуқуқига эга. Мавжуд тартиб асосида улар орасидан 185 нафар вакил сайланиб, фуқароларнинг иродаси ана шу вакиллар орқали ифода этилди.



Бугунги сайловда вакиллар маҳалланинг келгуси беш йил-лик тараққиёт йўлида етакчилик қилишга қодир, обрў-эътиборли, ташаббускор номзодни маҳалла раиси этиб сайладилар.

Кашқадарё вилояти. Деҳқон-обод туманидаги “Оқирт-ма” маҳалласида ҳам туманда биринчилардан бўлиб намунавий сайлов жараёни ташкил этилди.

Маҳаллада раислик лавозими-га уч нафар номзод кўрсатилди. Улар аҳоли вакилларини келгуси беш йил давомида маҳаллада амалга оширадиган ишлари, ҳудудни ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик, оилавий ажралиш-лардан холи ҳудудга айлантириш борасидаги ташаббуслари билан таништирди. Яқунда яширин овоз бериш йўли билан раис сайланди.

— Оқиртмаликлар иккинчи ма-ротаба менга ишонч билдиришди, буни оқлашга интиламан, — дейди маҳалла раис Хусниддин Бозоров. — Ўтган йиллар давомида маҳалла аҳли билан ҳамжиҳатликда “Таша-ббусли бюджет” лойиҳасида беш марта ғалаба қозондик. Шу орқали сув, ички йўллар муаммосини ҳал этдик. Ёшларнинг спорт билан шуғулланишига шароит яратдик. Келгуси беш йилда ҳам “еттилик” вакиллари билан бирга маҳалла ривожига қаратилган хайрли ишларни давом эттирамиз. Бу борада, албатта, аҳоли фикри, уларнинг талаб ва истакларига суянамиз.

Жойларда маҳалла раислари сайловлари давом этапти.

МИНБАР

“Халқ ишончини оқлашим лозим!”

Фуқаролар йиғинлари раислари сайлови маҳалламизда кўтаринки кайфиятда ташкил этилди. Жараёни кузата туриб, бугунги сайловчилар ва сайлов жараёни кечагидан кескин фарқ қилганини англадим. Фуқаролар ўзи истикомат қилаётган маҳалла тақдирига бефарқ эмас.

Баҳодир САФОЕВ,
Сўх туманидаги
“Сариканда” маҳалласи
раиси.

Маълумки, Конституциямизнинг 127-моддасида фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмас-лиги ҳамда маҳаллий аха-миятга мувофиқ масалаларни қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этиши белги-ланган. Сайловчилар мана шу ҳуқуқидан фойдаланиб, ўзи истаган номзодга овоз берди. Унда мавжуд кўчалардан сайланган 263 нафар вакил фаол иштирок этди. Сайлов якунига кўра, 80,8 фоиз овоз билан раис лавозимига қайта сайландим. Бу, албатта,

зиммамга катта масъулият юклади. Чунки халқ ишончи-ни оқлашим лозим!

Ўтган фаолиятимга назар солсак, 3 688 нафар аҳоли яшайдиган маҳаллада қатор ўзгаришлар қилишга улгур-дик. Жумладан, инфратузилма яшиланди, аҳоли турмуш даражасини ошириш, эҳтиёж-манд қатламни қўллаб-қув-ватлаш борасида ютуқларга эришилди. Қолаверса, тиббий хизмат кўрсатиш учун қишлоқ врачлик пунктига эҳтиёж бор эди. Саломатлигида бирор муаммо кузатилса, маҳалладошларимиз тиббий хизмат олиш учун тахминан 3 километри узоқликка бори-шига тўғри келарди. Туман ҳокимлиги кўмаги ва аҳоли ташаббуси билан муаммо ҳал этилди.

Аммо шу билан тўх-таб қолмаймиз. Энди



менга ишонч билдирган маҳалладошлар билан кел-гуси беш иллик режаларни амалга оширишга киришамиз. Аҳолининг қўллаб-қувватло-ви ёрдамида хайрли ишлар давом этади. Жумладан, “маҳалла етти-лиги” ходимлари билан биргаликда ижтимоий ҳимоя-га муҳтож қатламга манзилли ёрдам кўрсатамиз. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оши-риш, жойларда маданий маъ-рифий талбирлар, учрашув-лар, ижодий кечалар ташкил этиш диққат-марказимизда



Энди менга ишонч билдирган маҳалла-дошлар билан келгуси беш йиллик режаларни амалга оширишга кири-шамиз. Аҳолининг қўллаб-қувватло-ви ёрдамида хайрли ишлар давом этади.

бўлади. Мухтож оилалар-ни қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ногирон болалар-га ҳамда кексаларга кўмакла-шишни бурчим, деб биламан. Оила мустаҳкамлигини таъминлаш, ажралишларнинг олдини олишда нуронийлар тажрибасидан кенг фойдала-намиз.

Чет давлатларга ишлаш учун узоқ муддатга кетган-ларнинг оила аъзолари билан мунтазам равишда суҳбатлар ўтказиш, уларнинг турмуш тарзини ўрганиб бориш, қайтиб келган фуқароларнинг тиббий кўрикдан ўтказиш каби ишларни давом эттира-миз.

Жорий йил якунигача маҳаллани ишсизликдан холи ҳудудга айлантирамиз. Бунинг учун рўйхатдаги 125 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги-ни таъминлаш чорасини кўра-миз. Уларга ўзини ўзи банд қилиш учун имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш кўзда тутилган. Бундан ташқа-ри, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси орқали 3 километр узунликдаги суғориш ариғини бетонлаштирамиз. Натيجада

500 та хонадонга оқова сув кириб боради. “Камбағаллик-дан фаровонлик сари” дас-тури асосида 3 та оилага уй қуриб беришни режа қилган-миз. 2,5 километр масофада-ги ички йўл асфальтланади.

Ўрни келганда таъкидлаш керакки, ҳудудимизда дори-хона йўқ. Яқин йилларда мана шу каби масалаларга ечим топишни сайловолди дас-туримдаги бош мақсад қилиб олганман.





Қонунчиликка бугунги кунга қадар бўшаб қолган ўринларга сайланган маҳалла раислари ўз ваколатларини 3 йиллик муддат тугагунига қадар амалга ошириши белгилаб қўйилди. Бу, ўз навбатида, бўшаб қолган ўринларга сайланган маҳалла раислари тегишли ҳудуддаги вазифаларини тўлиқ ваколат муддати доирасида амалга ошириш имконини беради.

БУГУН — МАҲАЛЛАМДА САЙЛОВ!

МАНЗАРА

ХАЛҚ ИШОНГАН НОМЗОД МАҲАЛЛАГА РАИС БЎЛДИ

Маҳалла тизимини ислоҳ қилиш ва унинг жамиятдаги ролини янада кучайтиришга қаратилган муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир — фуқаролар йиғинлари раислари сайловига Наманган ва Самарқанд вилоятларида ҳам киришилди.

Наманган вилояти. Учқўрғон туманидаги қатор маҳаллаларда жорий йилнинг муҳим сиёсий жараёнига старт берилди. Дастлаб ишчи гуруҳ масъуллари ҳуқуқий-демократик жамият куришда сайловнинг аҳамияти тўғрисида сўзлади. Сайлов қонунчилигига асосан, аҳоли вакиллари орасидан раёсат аъзолари, котиб ҳамда санок комиссияси аъзолари сайлаб олинди. Раисликка номзодлар ўз сайловолди дастурларини тақдим этган, фуқаролар ўзлари учун энг муносиб номзодга овоз бердилар.



“Чек” маҳалласида эрта тонгдан фуқаролар овоз бериш жараёнида фаол иштирок этди. Махсус ажратилган биноларда зарур шарт-шароит яратилди, кузатувчилар ва жамоатчилик назорати таъминланди. Аҳоли учун номзодлар ҳақида маълумотлар тақдим этилди. Бу эса сайловнинг фаол ва мазмунли тарзда ўтишига хизмат қилди. Сайлов жараёнига 324 нафар вакиллардан 264 нафари иштирок этди. Унда 148 та овоз билан Бекмурод Исманжонов маҳалла раислигига сайланди.

“Янгиер” маҳалласидаги сайлов жараёнига 436 нафар вакиллар иштироки белгиланган эди. Яқуний натижаларга кўра, энг кўп овоз тўплаган Юнусали Тўрабоев раисликка сайланди. **“Ерқинҳаёт” маҳалласида** ҳам жараён очиқлик ва шаффофлик тамойиллари асосида, фуқароларнинг фаол иштироки билан ташкил этилди. Овоз беришда барча зарур шарт-шароит яратилиб, жараён маҳалла аҳолиси гувоҳлигида адолатли ва холис тарзда амалга оширилди. 216 нафар вакилнинг 138 нафари Маъруфжон Ҳасанов номзодини қўллаб-қувватлади.

Самарқанд вилояти. Бу йилги сайловлар маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи ошган, тизимга оид қонунчилик такомиллашган пайтда ўтаётгани билан аҳамиятли бўлмоқда. Эндиликда фуқаролар йиғинлари раислари беш йил муддатга сайланади ва улар “маҳалла еттичилиги”га бош бўлиб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш учун ҳаракат қилади.

Влоятдаги маҳаллаларда ҳам 1 май кунидан сайлов жараёнлари бошланди. Унда барча туман ва шаҳарлардаги биттадан маҳаллада сайлов жараёнлари намунали ташкил этилди. Сайловда шу маҳалла вакиллари билан бирга ҳудуддаги бошқа маҳаллалар ишчи гуруҳлари раҳбарлари ҳам қатнашди. Жумладан, Самарқанд туманидаги энг йирик маҳаллалардан бири, 6 100 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган **“Талибарзуи поён”да** ўтказилган сайловда 356 нафар вакил иштирок этди.

Маҳалла раислигига кўрсатилган уч нафар номзод ўз дастури, мақсад ва режаларини баён қилди. Шундан сўнг вакиллар номзод учун яширин овоз беришда қатнашди ва сайловчиларнинг энг кўп овозини олган амалдаги раис Санъат Бахронов “Талибарзуи поён” маҳалласи раиси этиб сайланди.

МИНБАР

Шаффоф ва одил сайлов — ислохотларга дадил қадам



Бектош ҲАСАНОВ, Ангор туманидаги “Юқори Хўжақия” маҳалласи раиси.

Маҳалламизда 3 192 нафар фуқаро истиқомат қилади. Фуқаролар йиғинлари раислари сайлови биз учун нафақат муҳим ижтимоий воқеа, балки маҳалла тараққиёти учун янги босқич бўлди.

Сайлов жараёнида аҳоли фаоллиги юқори бўлди — сайлаш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 12 фоизи, яъни 18 та кўчадан

фуқароларнинг ишончи билан иккинчи марта маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайландим. Бу ишонч мени, аввало, катта масъулият ва жавобгарлик билан ҳаракат қилишга ундайди.

Сайлов мактаб биносида байрамона руҳда ўтказилди. Технологик имкониятлар, овоз бериш кабиналари, ташкилий жиҳатлар — барчаси замонавий талаблар даражасида бўлди. Фуқаролар мамнуният билан овоз беришди. Бундай фаол иштирок, албатта, республикамиз бўйлаб олиб борилган ахборот-тарғибот ишлари, ижтимоий тармоқлардаги янгиликлар ва маҳаллаларда ўтказилган

ёритиш чироқлари ўрнатилди, умумий ўрта таълим мактаби мукаммал таъмирланди. Шунингдек, 9 километр узунликдаги йўл, мактаб ва боғчага олиб боровчи йўллар асфальт қилинди. Ўйлайманки, халқимиз бу хизматларни юқори даражада қадрлаб, сайловда яна мени қўллаб-қувватлашди. 75 фоиз овоз билан ғалаба қозониш — юртдошларимиз ишончининг аққол исботидир.

Бу ишончни оқлаш — менинг энг катта мақсадим. 25 йиллик ўқитувчилик тажрибам, халқ орасидаги хурматим уларнинг қалбидан жой олишимга ёрдам берди, деб ўйлайман. Эндиги вазифа-



вакиллар жалб этилди. 220 нафар овоз бериш ваколатига эга кишиларнинг 215 нафари жараёнда фаол иштирок этди. Йиғиндаги сайлов туманда биринчилардан бўлиб ташкил этилгани боис унда халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашлари депутатлари, ҳудуддаги 36 та маҳалла раислари қатнашди. Яқуний натижага кўра,

учрашувларнинг самараси бўлди. **Номзодлар билан бўлган учрашувларда аҳолига уларнинг дастури ҳақида батафсил маълумотлар берилди.** Хар бир кўчада номзодларнинг исмлари ва сайловолди дастурлари кўргазмали воситалар орқали намойиш этилди. Ўтган галги муддатим давомида маҳалламизда 50 дан ортиқ

лар — янада масъулиятли. **Асосий режамиз** — ичимлик сув тармоғини тортиб келиш, қўшимча мактабгача таълим муассасасини барпо этиш ва электр энергияси таъминотини яхшилаш. Бу вазифаларни фуқаролар билан ҳамжиҳатликда амалга оширамыз. Мақсадимиз битта: халқимиз тинч, осойишта, фаровон ва бахтли ҳаёт кечирсин.

САЙЛОВ

“КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛЛИК УЧУН РЕЖАМИЗ АНИҚ”

Маҳалламизда ташкил этилган сайловда мавжуд кўчалардан сайланган 232 нафар вакил иштирок этди. Яқуний натижага кўра, 81 фоиз овоз тўплаб, ғолиб чиқдим. Маҳалладошларим менга ишонч билдириб, йиғин раислигига сайлагани катта шараф, шу билан бирга, зиммамга улкан масъулият юклайди.



Абдужаббор ШОЙИМКҲУЛОВ, Шароф Рашидов туманидаги “Ғозғонтепа” маҳалласи раиси.

Бундан кейинги барча ҳаракатларим халқ ишончини оқлашга қаратилади. Келгуси беш йиллик учун режамиз аниқ. Узоқ йиллардан бери шу ҳудудда яшаганим учун бу ернинг пасту баландини, ютуқ ва камчилигини яхши биламан. Шу боис сайловолди дастурида мана шу жиҳатларни қамраб олдим.

Аввало, маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, маънавий-ахлоқий эҳди бўлган салбий иллатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабабларни бартараф этишга интиламан. Бунинг учун оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий ва тарбиявий тадбирлар изчиллигига эътибор қаратаман. Қолаверса, оиалардаги тинчлик-тотувликни таъминлашга ҳаракат қиламан.

Вояга етмаганлар ўртасида гиёҳвандлик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, одам савдосига қарши курашиш, айниқса, ёшлар билан интерфаол шаклда ишлашга эътибор бераман. Ўқувчиларнинг руҳияти ва маънавий тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган турли омиллардан ҳимоялашни ташкил этаман.

Кўп қаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини доимий назорат қилиб, ҳудудни кўркемлигини таъминлайман. Ҳудудда ўнлаб кўп қаватли уйлар жойлашган. Бу алоҳида ёндашувни талаб этади. Шу боис ижарада турувчиларни, хонадонларга келиб-кетувчиларни профилактика инспекторлари билан биргаликда мунтазам ҳисобини олиб борамиз.

Маҳалла ҳудудидидаги симёғочларини бетон устунларга алмаштириш, қўшимча трансформатор ўрнатиш, ичимлик сув, табиий газ босимини яхшилаш ва оқова сув тармоғи тортиш каби ишларни амалга ошириш режамизда бор. Жумладан, Гулистон ва Ҳамид Олимжон номидаги кўчаларнинг 1,5 километр қисми асфальтланиши керак. Ички кўчалардан ўтувчи ариқни бетонлаштириш орқали оқова сув муаммосига ечим топамиз. Бундан ташқари, солиқ тўловини ўз вақтида тўлашга эришиб, ҳисобимизда қолган маблағга инфратузилмани яхшилашга эътибор қаратамыз.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ҚАНДАЙ ТАРТИБДА ЎТКАЗИЛАДИ?

Санобар АБДУҲОЛИҚОВА, Тўртқўли тумани:

— **Маълумки, маҳалла раислари сайлови жараёнида фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши)ни ўтказиш белгиланган. Ана шу жараён қандай ташкил этилади?**

Бахром ҚЎШБАКОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси маъсул ходими:

— “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонунга кўра, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ишчи гуруҳнинг раҳбари раислигида ўтказилади. Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) кун тартибига, қоида тарикасида,



қуйидаги масалалар киритилади:

- ☒ санок комиссиясини сайлаш;
- ☒ фуқаролар йиғини раисини сайлаш.

Фуқаролар йиғинида фуқаролар йиғинининг иш регламенти, шу жумладан, раис лавозимига номзодларнинг маърузалари, уларнинг муҳокамаси, саволлар ва жавоблар учун вақт белгиланади. Овоз бериш натижаларини аниқлаш учун фуқаролар йиғини

томонидан камида уч кишидан иборат таркибда санок комиссияси сайланади.

Раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларни эълон қилади. Шундан сўнг номзодларнинг ҳар бирига сўз беради.

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларнинг маърузаси алифбо тартибда ўтказилиб, улар ўзининг келгуси фаолияти дастурини эълон қилади.



2025/2026 ўқув йилидан педагогика йўналишида СИРТҚИ ТАЪЛИМ шаклига қабул амалга оширилмайди.



Эндиликда АВТОМАТИК УНДИРУВ орқали тўланган кредит учун 2,5 фоиз комиссия қўлланилади.



Энди ишлаб чиқарилганига уч йилдан ошмаган электромобилларни олиб киришда 45 миллион сўм УТИЛИЗАЦИЯ ЙЎГИМИ ундирилади.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

НИЗОЛАР ЕЧИМИГА “ЕТТИЛИК”-ЛА ЕТЯПМИЗ



Бугун одамлар илгаригидек, профилактика инспекторларидан қочаётгани йўқ, аксинча, ўзининг, маҳалласининг осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашни сўраб биринчи навбатда, бизга мурожаат қияпти. Аслида ҳам халқимиз тинч ва осуда ҳаёт кечириши учун профилактика инспекторига ишончи юқори бўлиши, ўзининг хавфсизлиги кафолатини уларнинг тимсолида кўра олиши керак.

Олмос Жўраев, Жондор туманидаги “Мустақиллик” маҳалласи катта профилактика инспектори.

Б у натижаларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Президентимизнинг оқилона сиёсати ва изчил ислохотлар самараси ўлароқ, маҳаллаларда жиноятчилик жиловланяпти. Одамларнинг тинч-тотув яшаши учун ҳар бир маҳалланинг “қулф-калити” бўляпти. Профилактика инспекторларининг бевосита жойларда самарали хизмат ўташи учун муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратилляпти.

Мен ҳам “Мустақиллик” маҳалласидаги хизмат уйимда оилам билан яшаб, кечяо кундуз ўз ҳудудимда бўлиб, жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашда ижобий натижаларга эришяпман. Ўн йилдан буён жиноятдан холи ҳудуддамиз. Бу натижаларга эришишда, аввало, аҳоли билан яқин ҳамкорлик сабаб бўляпти. Ҳар бир фуқарога шахсий телефон рақамимни берганман. Агар ҳудудга бирор бегона шахс ёки транспорт воситалари келса, дарҳол менга хабар беришди. Улар билан учрашиб, бу ерга келиш мақсадини биланман ва шунга қараб иш тутаман. Узоқ муддат қоладиган бўлса, вақтинча яшаши учун рўйхатга оламан.

“

Олмос Жўраев Маҳалла тизими ходимлари кунда “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Яқинда бир фуқаромиз пойтахтда ишлаб юрганда жанжал кўтариб, оғир тан жароҳати етказиш билан судланди. Уни маҳалламизга қайтариб, пробация рўйхатига олдик. Ёишт ишлаб чиқариш цехига ишга жойлаштирдик. Қилган ишидан пушаймон бўлиб, тўғри йўлга қайтди. Шу боис муддатидан олдин пробация рўйхатидан чиқариб, уйлантирдик. Ҳозир намунали оила бошлиғи бўлиб, ёишт цехида ишляяпти.

Спиртли ичимликка ружу қўйган яна бир фуқарони наркология диспансерида даволатиб келиб, ишга жойлаштирдик. Ҳозирда ёғоч ва темирдан турли маҳсулотлар ясаб, рўзгорини бут қилиб, оиласи билан аҳилликда яшляпти. Бу тотувликини мустаҳкамлаш учун улардан мунтазам хабар олиб тураман.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Отабек БОЗОРОВ.
Андижон вилояти:

– Бир танишим солиқ соҳасида ишлаб пенсияга чиққан. Айтингчи, пенсия ёишда ҳам иш фаолятини давом эттирса бўладими? Идора раҳбари ишляшингиз мумкин эмас, приангизни ёзинг, деб қуймаётган экан. Шунга нима қилсак бўлади?

ПЕНСИЯГА ЧИҚҚАНДАН КЕЙИН ИШЛАШ МУМКИНМИ?

Муҳаммадамин КАРИМЖОНОВ,
хуқуқшунос, адвокат:

– Меҳнат кодексининг 4-моддасига асосан, ҳар ким меҳнат хуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда тенг имкониятларга эга. Меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситиш тақиқланади. Ходимларнинг ишчанлик сифатлари ва меҳнати натижалари билан боғлиқ бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб, меҳнат ва машғулотлар соҳасида бирор-бир тўғридан-тўғри ёки билвосита чекловлар белгилаш, ҳудди шунингдек, бирор-бир тўғридан-тўғри ёки билвосита интиёзлар бериш камситишдир.


Пенсия ёишга етганлигингиз сизнинг ишчанлик сифатингиз ва меҳнатингиз натижаларига таъсир қилмайди. Шундай экан, иш берувчи сизни ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзингизни талаб қилиши сизга чекловлар белгилашдир ва бу қонунга зиддир. Сиз бемалол ўз фаолятингизни давом эттираверишингиз мумкин.

Маълумот ўрнида, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди солиқ тизимида ишлаш бўйича ёш талаби белгиланмаган.

БИЛАСИЗМИ?

ЭРИ КАЛИТИ ЭГАСИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Қонунчиликка кўра, Электрон рақамли имзолар (ЭРИ) калитлари эгаларининг хуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган бўлиб, ЭРИ калити эгаси қуйидагиларга амал қилиши шарт:



- ЭРИнинг ёпиқ калити хавфсизлигини таъминлаш учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши;
 - ЭРИнинг калити бошқа шахслар томонидан фойдаланилаётганлиги ёки кириш тартибининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, ЭРИ калитининг сертификатини берган рўйхатга олиш марказини дарҳол хабардор қилиши;
 - тарқатилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган электрон хужжатларга имзо қўйиш учун мўлжалланган ЭРИнинг калитидан фақат тегишли мақсадларда фойдаланиши.
- Шунингдек, ЭРИ калитининг эгаси қонунчиликка ва шартномага мувофиқ, бошқа хуқуқларга эга бўлиши ҳамда унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

ОҒРИҚ

ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТАЛАР МУОМАЛАСИ ТАҚИҚЛНАДИ ЧУНКИ ИНСОН СОҒЛИФИГА ЖИДДИЙ ЗИЁНИ АНИҚЛАНМОҚДА

Бугун пойтахт ва вилоят марказлари кўчаларини, айниқса, кўнгилочар масканлар, истироҳат боғлари, автобус бекатлари, олий таълим муассасалари ва турли хил ўқув марказлари атрофини айлангангиз, кўплаб ёшларнинг электрон сигарета чекаётганига кўзингиз тушади. Хавотирлиси, уларнинг сони йилдан-йилга ортиб, ёиш ёшариб боряпти.



ласини Ўзбекистон ҳудудида тақиқлаш ва бундай хуқуқ-бузарликлар учун жавобгарлик белгилаш за-руриятини юзага келтирди. Шу боис куни кеча Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида сенаторлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига баъзи турдаги тамаки маҳсулотларининг, тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг муомаласига доир талабларни янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонунни маъқуллашди. Эндиликда мазкур хужжат Президент томонидан имзоланса, амалий қучга киради.

Мақсадбек ҚўЧҚОРОВ.

Маълумотларга кўра, охириги **тўрт йилда Ўзбекистонда қиймати 28,5 миллион долларлик 5,4 миллион донга электрон сигарета хориждан импорт қилинган бўлиб**, бу кўрсаткич **аввалги йилларга нисбатан кескин равишда, яъни 80 бараварга ошган**. Никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан, шу жумладан, электрон сигареталардан фойдаланувчи ёшлар салмоғи (18-29 ёшлилар 32 мингдан ортиқ) катта ёшдагиларга (30-69 ёшлилар 7 мингдан ортиқ) нисбатан деярли беш баравар кўп. Таҳлилларга кўра, **бугун 30 мингга яқин ўғил болалар ва 9 мингга яқин қизлар чекишга мойил бўлса, 12 минг нафардан ортиқ болалар ва ўсмирлар ушбу сигареталарни мунтазам чекади**.



Тадқиқотларга кўра, электрон сигареталарда никотин моддасидан ташқари, канцероген, захарли бўлган 80 хил кимёвий бирикмалар ва оғир металл мавжудлиги, уларнинг инсон соғлиғига ва атроф-муҳитга жиддий зиёни аниқланмоқда. Хусусан, организмда никотинга қарамлик ошиши билан бирга: – болалар ва ўсмирларда мия шаклланишига, интеллект, билим ва қобилиятнинг пасайишига, руҳий агрессивлик ривожланишига; – бронх-ўпка тизимида захарланиш (астма, бронхит, “эозинофил пневмония”), ўлимга олиб келувчи яллиғланиш, саратон ва “бодроқсимон ўпка” касаллигини келтириб чиқаришига; – ошқозон-ичак трактида саратон касаллиги, марказий нерв тизими, буйрак ва жигар функциясининг бузилиши, шунингдек, гипертония, инсульт, инфаркт каби юрак-қон томир касалликлари ривожланишига; – кимёвий бирикма ва моддалар организмга мутаген таъсир қилиб, ДНК структурасини жароҳатлаш, имунитетни, аёллар репродуктивлигини пасайишига, ҳомиланинг ирсий ногиронлиги ёки ўлимига олиб келишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса никотинни истеъмол қилиш мосламалари, шу жумладан, электрон сигареталар ва улар учун суюқликлар муома-

лар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланяпти. Бу жараёнда **маъмурий жавобгарлик – ашёларни мусодара қилиб, 37,5 миллион сўмдан 75 миллион сўмгача жарима қўланади**. Жиноий жавобгарликка тортилганда (ушбу ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса) – **150 миллион сўмдан 225 миллион сўмгача жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазолаш кўзда тутилган**. Оғирлаштирувчи ҳолатлар учун (кўп ва жуда кўп миқдорда, гуруҳий, такроран, ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш) – **12 йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилмоқда**.

Ушбу қонун нафақат айбдор шахсларни жазолашга қаратилганлиги билан, балки содир этган қонунчи ҳаракатлари тўғрисида ўз ихтиёри билан ҳокимият органларига арз қилган ва муомаласи тақиқланган маҳсулотларни топширган шахсларни жавобгарликдан озод қилишни назарда тутуши билан ҳам аҳамиятли. Энг муҳими, қонун аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиши, миллат генотипини сақлашга ҳамда атроф-муҳитни тамаки ва никотин маҳсулотларининг янги турларидан муҳофаза қилишга хизмат қилади.



Ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида 50 МИЛЛИОН СЎМГАЧА (амалда 33 миллион сўм) гаровсиз имтиёзли кредит ажратилади.



“Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темирийўлининг МУҲИМ ОБЪЕКТЛАРИ қурилиши бошланди.



Сурхондарёнинг Сариосиё маҳаллий аэропортини РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ишлари якунланди.

10


№36-37 | 2025 йил 3 май, шанба

Mahalla

ТАҚДИРЛАР

ЎЗ ВАҚТИДА ТАЯНЧ БЎЛСАК, КАМОЛОТГА ТЎСИҚ БЎЛМАС

Коровулбозор туманида истиқомат қилувчи 7-синф ўқувчиси Лола Кутлиева ҳозирда тумандаги 1-сонли умумтаълим мактабида таҳсил олади. Лола 2013 йилдан буён буви — Зулайхо Ходиева васийлигида вояга етмоқда.



Лола Кутлиева туман “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг доимий эътиборида. “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан мунтазам равишда кийим-кечак

хуқуқларини тиклаш ва моддий таъминотини барқарорлаштириш мақсад қилинган. Қаҳрамонимиз меҳр, сабр, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва тизимли ҳимоя воситалари ўз вақтида кўрсатилганида, оғир ижтимоий шароит ҳам инсон камолотига тўсиқ бўлолмаслигини исботловчи ёрқин мисолдир.

Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАСА, ИМТИЁЗГА КАФОЛАТ НАҚД

Президентнинг “Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Унга кўра, 2025 йил 1 майдан:

ўзини ўзи банд қилган шахслар якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганда, давлат божи ундирилмайди; ўз фаолиятини тегишинча якка тартибдаги тадбиркор, микрофирма ёки кичик корхона тоифасигача йириклаштирган ўзини ўзи банд қилган шахслар ва тадбиркорларга Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида 50 миллион сўмгача, Кичик бизнесни узлуқсиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури доирасида 150 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар берилади; ўз фаолиятини тегишинча ўрта ёки йирик бизнес тоифасигача йириклаштирган тадбиркорларга бир йил давомида ҚҚС суммаси ўрнини қоплаш (қайтариш) 7 кун муддатда тезлаштирилган тартибда амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида:

оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида янгидан ташкил этилган ва ҳисоб рақамида етарли маблағлар айланмасига эга бўлмаган кичик ва ўрта бизнес субъектларига уларнинг гаров таъминотидан келиб чиқиб кредит ажратишга рухсат берилади; кичик бизнесни узлуқсиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури доирасида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”да турган ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаган кичик ва ўрта бизнес субъектларига ушбу фуқаролар учун ташкил қилинган ҳар бир иш ўрнига қўшимча равишда 10 миллион сўмдан, 10 ва ундан кўп бундай иш ўринларини ташкил қилган субъектларга 100 миллион сўмгача уч йилгача муддатга йиллик 14 фоиз ставкада айланма маблағларни тўлдириш учун кредит ажратиш амалиёти йўлга қўйилади.



”

Мурожаатларни тинглар эканман, унга ташқаридан назар ташлашга уринаман.

Ўткирбек ФАЙЗУЛЛАЕВ, Зафаробод туманидаги “Ёрқин” маҳалласи ижтимоий ходими.

Ижтимоий ҳимоя соҳасида иш бошлаганимга бир йилдан ошибдики, ҳар куни камида 20 нафар фуқаро билан суҳбатлашаман. Бу шунча феъл-атвор, шунча муаммо билан юзлашиш дегани. Кимнингдир рўзғорида озиқ-овқати бўлмаса, бошқасиникида тўқчилик сабабли можаро келиб

чиққан. Қайсидир аёл тайийқ ва зўравонликдан жабр кўрган бўлса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг дори-дармонга эҳтиёжи бор. Кўриб турганингиздек, олдимизда ҳал этилиши керак бўлган масалалар жуда кўп. Уларга муносиб ечим топиш учун биздан мослашувчанлик талаб қилинади. Мурожаатларни тинглар эканман, унга ташқаридан назар ташлашга уринаман. Ҳар бир тақдир ва кечмишни ўша инсон билан яшаб ўтишга уриниш хато ёндашув. Бу бизни ҳам ўша тушқун ва имконсиз

”

“Баркамол авлод” болалар маркази билан ҳамкорликда ментал арифметика тўғрисидаги ташкил этдик.



ҳолатга тушириб қўйиши ҳеч гап эмас. Шу каби жиҳатларни инобатга олган ҳолда ижтимоий ходим, биринчи навбатда, психологик билимга эга бўлиши зарур.

Айни вақтда маҳалламизда 245 нафар имконияти чекланган фуқаро истиқомат қилади. Шу кунга қадар уларга реабилитация қилишнинг техник воситалари ҳамда протез-ортопедия мосламалари тақдим этиб келинмоқда. Фаолиятимни бошлаганимдан кейин 47 нафар шахсга ногиронлик гуруҳи тайинланди. 31 нафар ногиронлиги бўлган фуқаронинг доимий бандлиги таъминланган. Улар муносиб тарзда меҳнат қилиб, жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қиляпти.

Жорий йил бошидан буён ҳудудимизда 35 та кейс очилган. Хусусан, хатлов жараёнида Барчин Ярашова хонадони ўрганилганда, у кишининг оиласида ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар ҳамда тиббий хизматга эҳтиёжи борлиги аниқланди. Фуқарони бепул даволанишига йўналтирдик. “Саховат ва кўмак” жамғармаси дори-дармонларига пул ажратиб берди. Шунингдек, ўғли 2011 йилда хоризгга ишлашга кетиб, ҳалигача қайтиб келмагани, муносабатлар узилиб қолга-

ни маълум бўлди. Қизи онасига қараб, ишга бора олмаётган экан. Уларни бу ижтимоий қийин вазиятдан олиб чиқиш учун психологик хизмат ҳам белгиланди. Ёрдамлар давомий тарзда кўрсатиб келинапти.

Яна бир ҳолатда хасталик сабабли аёл икки оёғидан айрилади. Бу уларнинг оилавий муносабатларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Вазиятни изга солиш мақсадида фуқарога оёқ протези тақдим этилди. Лекин айрим сабабларга кўра, аёл ундан фойдалана олмади. Шунга қарамай, эр-хотиннинг бир-бирига бўлган меҳрини тиклашга эришдик. Вояга етган ўлини ишга жойлаштирдик. Ҳозир у 4-5 миллион сўм атрофида маош олапти.

Аёлга уй юмушларини бажаришда ён қўшниси ва қайнонаси кўмаклашди. Ўзи ҳам сира тиним билмайди. Аравада эркин ҳаракатланиши учун уйда барча шароитлар яратилган. Пуллик хизмат кўрсатишни таклиф этган эдик, рози бўлмади. Унинг саломатлигини тиклаш мақсадида санаторийга навбатга қўйдик. Патронаж ҳамшира ҳар ҳафта аёلнинг ҳолидан хабар олиб турибди.

Яқинда мени лойиҳа сифатида “Баркамол авлод” болалар маркази билан ҳамкорликда ментал арифметика тўғрисидаги ташкил этдик. У ерда 12 нафар камбағал оила фарзандлари имтиёзли равишда билим эгаллаяпти. Ҳомийлар кўмағида бекор турган бинони таъмирдан чиқардик. Керакли ривожига ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қиляпти.

Ўрни келганда бир таклифни илгари сурмоқчиман. Ҳозир ҳудудларда амалга оширилаётган шу каби лойиҳаларни молиялаштиришда маҳалла бюджети маблағларидан фойдаланиш имконияти берилса, нур устига аёло нур бўларди. Бу ишимизни янада осонлаштиради ҳамда ҳалққа янгидан-янг қулайликлар ҳозирлашимизга замин яратади.

Аълочи талаба-қизларга махсус стипендия тўланади

Давлат раҳбарига камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий хизматлар қамрови ва турларини кенгайтириш чора-тадбирлари бўйича ахборот берилди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги матбуот хизмати.

Мамакатимизда эҳтиёжманд инсонлар алоҳида маънавий қўллаб-қувватланмоқда. “Камбағалликдан фаровонлик

сари” дастури асосида бундай оилаларга меҳнат, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда кўмаклашилмоқда. Шу билан бирга, бу жуда кенг ва узлуқсиз жараён бўлиб, доимий такомиллаштиришни тақозо этади. Жумладан, камбағал оилаларни уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига қараб, уч тоифада қўллаб-қувватлаш таклиф қилинди. Камбағал оилаларга 100 дан



ортиқ турдаги ижтимоий хизмат, ёрдам ва имтиёзлар тақдим этилади. “Камбағал оилалар реестри”га киришти тартиб-таомиллари қонунчилик ҳужжати даражасида белгиланади. Уларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режалар тасдиқланиб, манзилли хизмат ва ёрдамлар кўрсатилади. Бундай инсонлар бандлигини чекловчи омиллар бартараф этилиб, муайян даромад топишига шароит яратилади.

Камбағал оила фарзандлари мактабдаги узайтирилган кун гуруҳлари учун тўловдан озод қилинади, аъло баҳога ўқиганлар оромгоҳларда бепул дам олиши мумкин бўлади. Камбағал оиладан чиққан аълочи талаба-қизларга базавий стипендиянинг 2 баравари миқдорига махсус стипендия тўланади.

Тақдимотда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш чоралари ҳақида ҳам ахборот берилди.

Унга кўра, ногиронлиги бор инсонларни ишга олган енгил са-

”

Камбағал оилаларни уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига қараб, уч тоифада қўллаб-қувватлаш таклиф қилинмоқда.



ноат корхоналарига солиқ имтиёзлари бериш, бундай ходимлар учун ижтимоий солиқ ставкасини псайтириш, тадбиркорларга Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳисобидан 500 миллион сўмгача субсидия ажратиш каби рағбатлар кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, электрон савдо майдончаси орқали ногиронлиги бор шахсларга тегишли товар ва хизматларни харид қилиш миқдори оширилади. Уларга касб-хунар ўргатиш учун техникумларда

инклюзив таълим гуруҳлари ташкил этилади. Ўзгалар парварishiга муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар қамрови ва турларини кенгайтириш мақсадида “Фаол ҳаётга қadam” дастури жорий этилади. Бундай инсонларга кундузги қатнов асосида ёки уйда қараб туриш, маиший юмушларда кўмаклашиш, йўқотилган ҳаракат фаоллигини қайта тиклаш, касалликларнинг олдини олиш каби тиббий-ижтимоий хизматлар йўлга қўйилади.

ЯНГИЛИК



Ўзбекистон
илк бор бир овоздан
БМТ Статистик
комиссиясининг
2026-2029 йилги
АЪЗОЛИГИГА
САЙЛАНДИ.



Турагентлик
фаолиятини амалга
ошириш учун лицензия
тартиби бекор қилиниб,
ХАБАРНОМА ЮБОРИШ
тартиби жорий
этилади.



Кўчмас мулкни
ОММАВИЙ
БАҲОЛАШ
жорий йилда
Тошкент шаҳрида
бошланади.

ҚУЛАЙЛИК

“Еттилик” тавсияси билан моддий ёрдам берилади

“Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишда эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, “маҳалла еттилиги” тавсияси билан айрим оилаларга моддий ёрдам ажратилади.

Қарорга мувофиқ, 2025 йил 1 майдан 2027 йил 1 апрелга қадар “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” орқали болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи ҳамда “Камбағал оилалар реестри”га киритилган, шунингдек, моддий ахvoli бўйича кам таъминланган оилалар мезонларига тўғри келувчи, оилاداги жон бошига даромади минимал

истеъмол харажатларининг 1,5 баробаридан ошмайди-ган оилаларга:
— *электр энергияси истеъмоли бўйича* — ойига базавий меъёрдан 150 кВт. соатгача;
— *табиий газ истеъмоли бўйича* — иситиш мавсумида ойига базавий меъёрдан 250 куб метргача, бошқа даврларда ойига базавий меъёрдан 150 куб метргача ортиқ фойдаланилган қисми учун компенсация тўланади.



“Маҳалла еттилиги” хулосаси асосида ёрдамга муҳтож деб топилган оилаларга 1 миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам ажратилади.

2025/2026 йилги иситиш мавсуми доирасида ноябрь ойида юқоридаги реестрларга киритилган, шунингдек, “маҳалла еттилиги” хулосаси асосида ёрдамга муҳтож деб топилган оилаларга 1 миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам ажратилади.

Айтиш керакки, “еттилик” хулоса беришда, энг аввало, маҳалладаги боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бор, узок вақт даволанаётган, ўзгалар парваришига муҳтож шахслар, уч ва ундан ортиқ оила яшайдиган хонадонларга эътибор қаратади. 2025 йил 1 октябрга қадар “маҳалла еттилиги” республика бўйича ҳар бир маҳалла кесимида қўшимча рўйхатларни шакллантиради

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

СОҒЛОМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Халқимиз азалдан оилани муқаддас билиб, унда камол топаётган фарзандларнинг таълим-тарбияси, униб-ўсиши, соғлом вояга етиши ва ҳаётда муносиб ўринга эга бўлишига эътибор қаратиб келган. Айниқса, маҳалла-қўйда бирор ўсмир ноҳўя қадам босса, ёши улуг инсонлар насиҳат қилиб, уларни тўғри йўлга солганлар. Оилавий ажралиш ва жанжаллар кекса нуронийлар насиҳат ва ўғитлари билан бартараф этилган.



Марям АҲМЕДОВА.

Шайхонтохур туманидаги “Камолон дарвоза” маҳалласида ташкил этилган “Соғлом оила – жамият таянчи”, деб номланган тадбир ана шундай долзарб мавзуга қаратилди.
— Қузатишларимизга кўра, кўпчилик ота-оналар фарзандини оилали қилиш учун кимўзарга сеп қилиш, қўдачилиқ борди-келдилари, ортиқча чиқимлари кўр-кўрона тўй қилишлар билан гуё ота-оналик бурчини адо этган бўлади, — дейди “Оила ва гендер” илмий тадқиқот институти директори, педагогика фанлари доктори, профессор Нодира Эгамбердиева. — Аммо энг муҳим масала — улар қизларини оилага, ўғилларини куёвликка тайёрлашни ўйламайдилар ёки унутиб қўяди. Натижада ёш оилада эр-хотинлик муносабатлари, ҳақ-ҳуқуқ ҳамда бурч масъ-

улиятлари ҳақида ёшлар ҳеч қандай тушунчага эга бўлмайди. Тадбирда оилавий масалаларда кўп йиллик тажрибага эга “Оила ва Гендер” илмий тадқиқот институти бўлим мудири, педагогика фанлари номзоди Фарида Абдурахмонова оилаларни янада мустаҳкамлаш, ажралишларнинг олдини олиш, ёшларни турмушга тайёрлаш, қариндошлик никоҳлари, оилада эркак ва аёлнинг ўрни, фарзанд тарбиясида ота-оналарнинг ибрат масалалари борасида ўз фикрларини билдирди.

Учрашувда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси, гендер тенгчилигини таъминлашда давлат бошқарувидаги иштирокини ошириш, оғир аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга моддий, психологик, тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни уй-жой ва иш билан таъминлаш, оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш ва оилада маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масаласида талаб ва тақлифлар эшитилди.

ТАҲЛИЛ

БОЛАНИ ОТА-ОНА ТАРБИЯЛАЯПТИМИ ЁКИ ВИРТУАЛ ОЛАМ?

Кўпчилик ота-оналар ўғли ёки қизи жуда тез улғаяётгани, ҳатто ўзидан катталарга ақл ўргатаётганидан нолиб қолишади. Ота-оналарнинг дўстона маслаҳатларига болалар “қандай кийим кийиш шахсий ишим”, “сиз туққан онамсиз, бу дегани ҳамма нарсани сиз ҳал қиласиз, дегани эмас” деган ғайритабиий жавобларни қайтармоқда.

Нигора РАҲМОНОВА, журналист.



Болалар севиб томоша қиладиган мультфильмларнинг тағ замирида уларнинг онгига таъсир қиладиган, катталарга хос бўлган маълумотлар сингдирилган. Ташқаридан кузатган одам “болам мультфильм кўряпти”, деб аҳамият бермаслиги мумкин.

Бизнинг онгимизга тушаётган ҳар бир ахборот таъсир кўрсатади. Яъни, ҳозир ҳиссиётларни ўйғотадиган ахборотлар жуда кўп. Болалар севиб томоша қиладиган мультфильмларнинг тағ замирида уларнинг онгига таъсир қиладиган, катталарга хос бўлган маълумотлар сингдирилган. Ташқаридан кузатган одам “болам мультфильм кўряпти”, деб аҳамият бермаслиги мумкин.

Болаларнинг эрта улғаяётгани сабабларини санаб чиқдик. Хўш, бу ҳолатнинг сабабчиси кимлар?

Аслида, боланинг руҳий жиҳатдан эрта улғайишига биз ота-оналар сабабчи бўлаяпмиз. Яъни, бола билан вақт ўтказиш, у билан банд бўлиш ўрнига уни экран олдига ўзимиз етаклаб бораёпмиз. Ота-оналар, айниқса, оналар фарзанди йиғласа ёки хархаша қилса, дарҳол қўлига телефон тутқазди, нима сабабдан йиғлаяпти, қизикмайди. Жим бўлса, бас. Атроф билан мулоқотда бўлмаган бола эса ҳақиқий ҳаёт виртуал оламда деб ўйлайди.

Фарзанд катта бўлиб, назоратга олинишни хоҳламаслиги — бу керакли

вақтда болага эътибор қаратилмагани, жонли мулоқотнинг кам бўлганидан. Болалик давридан фарзандига эркинлик бериб, тинч кўйишини истаган ота-оналар боласининг улғаяётган пайтидаги ўзгаришларни кўриб ҳавотирга тушишади ва назоратга ўтишади. Бу ўз-ўзидан болада оиласига нисбатан нафрат ўйғотиб юбориши мумкин. Бундай ҳолатларда бола вақтлар давомида олиб келган виртуал оламдаги тарбиясини намоён қилишни бошлайди. Айнан шу даврда у нималарни томоша қилгани юзага чиқади.

Шоира Исоқова боласининг яхши тарбия олишини истаган ота-она унинг қизиқишига қараб тўғрақларга бериши лозимлигини тавсия қилади. Мисол учун, робототехника, расм чизиш, мусиқа, шахмат-шаҳка, ундан ташқари, спорт машғулотларига йўналтириш фойдали.

Муаммони ечишининг энг самарали усули — оналар бола билан кўпроқ гаплашиши, уни тинглаши ва муаммоларига дўстона кўз билан қараб, ечим топишга кўмаклашишни зарур. Акс ҳолда бола ота-онасидан, оиласидан олиши керак бўлган барча нарсани виртуал оламдан излайди.

МАНЗИЛ

Янги маскан — кўнгишларга беради таскин

Навбахор туманида “Оила ва хотин-қизлар маскани”нинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Бурда хотин-қизларнинг оилавий ҳаётга тайёрлаш, тадбиркорликка ўқитиш, жиноятчиликка қарши курашиш, оила фаровонлигини таъминлаш каби масалалар бўйича опа-сингилларимизга кўмак берилади. Масканда жорий йил давомида 800 жуфт бўлажак келин-куёвни ўқитиш, 200 нафар аёлга психологик ёрдам бериш, 200 нафардан ортиқ

кишига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва 600 нафардан ортиқ хотин-қизни касб-хунарга йўналтириш режалаштирилган.

Оила ва хотин-қизлар масканида амалга ошириландиган чора-тадбирлар режасига кўра, ҳафтанинг **сешанба кuni** — оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, исталмаган хомила, эрта ва қариндошлар

ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш ҳамда вояга етмаган қизларнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ муҳим чора-тадбирлар ташкил қилинади.

Чоршанба кuni — хотин-қизлар тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, бизнесга оид билим ва кўникмаларини ошириш, ишсизликни қисқартириш ва уларнинг меҳнат шaroитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Пайшанба кuni — таъзиқ ва зўравонликка учраган, муқаддам жиноят содир этган, хотин-қизлар билан манзилли ишлаш, ҳуқуқбузарликлар-



600 нафардан ортиқ хотин-қизни касб-хунарга йўналтириш режалаштирилган.

нинг келиб чиқиш сабаблари аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича манзилли ишлар олиб борилади.

Жума кuni — сурункали нотинчлик кузатилган, ажралиш ёқасидаги оилаларнинг ижтимоий муаммоларини аниқлаш, улардаги келиш-

мовчиликларни чуқур таҳлил қилиш асосида мавжуд муаммоларни бартараф этиш чоралари амалга оширилади.

Шанба кuni — “Фаровон оила — келажак пойдевори”, “Масъулияти ота-оналик”, “Соғлом оила — соғлом жамият” концептуал ёяларини никоҳланаётганларнинг онгига сингдириб бориш, оила иқтисоди ва бюджет, маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш масалалари бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилади.

Оила ва хотин-қизлар кўмитаси матбуот хизмати.



БОКС БЎЙИЧА
Ўзбекистон
ўсмирлар терма
жамоаси Осиё
чемпионатини
8 та олтин, 7 та
кумуш ва 4 та
бронза медаль
билан яқунлади.



ТАЭКВОНДО WTF бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси 4 та олтин, 5 та кумуш ва 5 та бронза медалга эга чиқди.



БЕКТЕМИР МЕЛИҚЎЗИЕВ
30 май куни
АҚШда амери-
калик Дарьюс
Фулгхэм билан
рингга
чиқади.

12

№36-37 | 2025 йил 3 МАЙ, ШАНБА

Mahalla

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

КАМОНДАН ЎҚ УЗГАН

"Алпомиш" достонидаги Ҳакимбек етти ёшида Алпинбий бобосидан қолган бронзадан қуйилган ўн тўрт ботмон (224 килограмм) ёй (камон)ни кўтариб, ўқ узганида отган ўқи яшин тезликда Асқар тоғининг катта чуққиларини юлиб ўтиб, овозаси бутун оламга кетади...

Дарҳақиқат, камондан отиш тарихдан ота-боболаримизнинг сеvimли машқи бўлиб келган. Камондан ўқ отиш – кўринганидан кўра анча кўп куч ва диққат талаб қиладиган спорт тури. У инсонни жисмоний чиниктиришдан ташқари, ақлий жиҳатдан ҳам ривожланишга ёрдам беради.

Хўш, камондан отиш нима учун керак? Аввало, у хотиржамлик ва ақл кучини ривожлантириш, мушакларнинг чўзилувчанлигини мустаҳкамлаш, кўз нурини ривожлантириш ва иммунитетни оширишнинг ажойиб усуллари билан биридир. Хаттоки шифокорлар ҳам раққослар ҳамда камончиларнинг жисмоний соғлиги энг яхши ҳолатда эканини айтишади.

Бундан ташқари, камондан отиш нафас олиш тизими ва юрак-қон томир тизимини яхшилайди. Психологик мувозанат – камондан отиш спорт билан шуғулланишнинг яна бир ижобий натижаси. Камондан ўқ узган одам хотиржам, ақлли ва руҳан соғлом бўлади. Шу билан бирга, диққатни жамлаш ва ўзига ишончни йўқотмайди. Бу жуда қизиқарли спорт тури бўлиб, танага ривожлантирувчи, тарбиявий таъсир кўрсатади. Ушбу спорт турининг тарбиявий таъсирларини бири, бу – чидамлилик ва барқарор техникдан ташқари, вазминлик, ишонч ва хотиржамликни таъминлайди.



БАДАНТАРБИЯ

**ХОТИРЖАМ,
АҚЛЛИ ВА РУҲАН
СОҒЛОМ БЎЛАДИ**

Камон отиш учун кўп нарса керак эмас. Аввало, диаметри 40-122 сантиметр доира нишон зарур. Унга 18-90 метр узокликдан 30 ёки 36 тадан ўқ узиб, очко тўпланади. Камондан отиш спорт XV асрда Швейцарияда ташкил этилган бўлиб, 1900 йил Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган. 1930 йил илк бор жаҳон чемпионати ўтказилди. Айнан шу йили Халқаро камондан отиш федерациясига асос солинди. Ўзбекистон ушбу федерацияга 1991 йилда аъзо бўлган.

Камондан ўқ отишнинг классик ва "compound bow" (имконияти чекланганлар учун) турлари орасида фарқлар бор. Классик тур Олимпия ўйинлари киритилган бўлса, "compound bow" Паралимпия ўйинлари спорт турлари рўйхатидан жой олган. Ўртимиз спорчилари – Зиёдаҳон Абдусатторова ҳамда Амирхон Содиқов тарихда илк бор ўтган йили Парижда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида классик йўналишда қатнашиб, фахрли ўринларни кўлга киритди.

Президент қарори асосида ҳар йили анъанавий тарзда Тошкент шаҳрида "Алпомиш ва Барчиной", Самарқанд шаҳрида аёллар ўртасида "Тумарис кубоги" халқаро турнирлари, Бухоро, Қўқон, Самарқанд ва Хива шаҳарларида "Туризм ва камондан отиш ҳафталиги" ўтказиляпти.

Убайдулла ИМОМҚУЛОВ,

Паралимпия қўмитасининг камондан ўқ отиш бўйича терма жамоа аъзоси, мураббий.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

Қандай одатлар ИММУНИТЕТНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ЁРДАМ БЕРАДИ?

Иммунитет – тананинг инфекция ва бактерияларга қарши табиий мудофааси. Унинг асосий вазифаси танага кирган микроб ва вирусларни аниқлаш ҳамда йўқ қилишдан иборат.



Бу тизимнинг яхши ишлаши, аввало, танадаги тўғри балансга боғлиқ. Бироқ баъзи ҳолларда иммунитет пасайиб, тана касалликларга қарши курашолмай қолади. Бунинг олдини олиш учун бир неча қоидаларга амал қилиш мақсадга мувофиқ.

Тўғри овқатланиш: ушбу қоида иммунитетни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Айниқса, С, D, Е каби витаминлар, омега-3 ёғ кислоталари ва турли минерал ҳамда тўқималарга бой егуликлар тананинг курашиш қобилиятини ошириш билан бирга, барқарор фаолият кўрсатишини таъминлайди. Бунинг учун овқатланиш тартибига саримсоқ, пиёз, сабзи, лавлаги, занжабил, брокколи, наъматак, кўкатлар, қовоқ, олма, цитруслар, асал, денгиз баликлари, сут маҳсулотлари, ёғсиз гўшт каби табиий мева-сабзавот ва озуқаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Жисмоний фаоллик: доимий ҳаракатда бўлиш ва ҳар куни эрталаб бадантарбия қилиш иммунитетни кучайтиради. Айниқса, бунда пиёда юриш, югуриш, велосипед учуш ва сузиш каби спорт машғулотлари жуда фойдали.

Тоза сув ичиш: сув тана учун жуда муҳим. У танадан токсинларни чиқариб, иммунитетни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, ушбу тизимга тўғридан-тўғри фойдали таъсир кўрсатиб, танани заҳарланишдан ҳимоялайди. Аксинча, кам миқдорда сув ичиш ҳужайра, тўқима ва органлар фаолиятига салбий таъсир этиб, иммун тизимнинг заифлашишига олиб келади. Шу сабабли мутахассислар одам бир суткада ҳар бир килограмм вазни учун 40 миллилитр сув истеъмол қилиш лозимлигини таъкидлайди.

Яхши ухлаш: тиникиб ухлаш иммунитет тизимини мустаҳкамлаб, тана тикланишига ёрдам беради. Ўйку давомида иммун ҳужайралари янада самарали ишлайди. Тананинг тўлиқ дам олиши учун катта ёшдаги инсонлар ҳар куни ўртача 7-8 соат ухлаши керак.

Стрессдан сақланиш: давомий асабийлашиш иммунитетнинг пасайишига сабаб бўлади. Шунинг учун руҳий барқарорлиқни сақлаш жуда муҳим.

Гигиенага риоя қилиш: қўлларни тез-тез ювиш ва бошқа санитария қоидаларини амалга ошириш микроб ҳамда вируслардан ҳимоялайди.

Шунингдек, касалликларга қарши вакцина олиш, ёмон одатлардан воз кечиш ҳам иммунитетни мустаҳкамлайди.

Низом ЭРМАТОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Мутахассислар ҳулосасига кўра, ёшлик ва соғлиқ сири кўп ҳолларда тўғри овқатланиш билан боғлиқ. Шу боис замонавий парhezшунослик ёш кўринишнинг баъзи усулларини таклиф қилади.

50 ЁШДА 35 ЁШДЕК КЎРИНИШ МУМКИНИМИ?



Биринчидан, камроқ овқатланиш керак. Бу "калорияни камайтириш" деб аталади. Уртача катталар кунига 2500 килокалориядан ортиқ истеъмол қилмаслиги лозим. Гўштни камроқ, яъни ҳафтасига уч марта истеъмол қилиш яхши натижа беради.

Асосий озуқа сабзавот ва мевалар бўлиши керак. Кунига 400 грамм сабзавот ва мева истеъмол қилиш микрофлорани озиклантиради ва соғлиқни яхшилайди. Туз ва шакарни камайтириш жуда муҳим. Чунки улар соғлиқка зарар етказилади.

Ва ниҳоят, овқатланишда хилма-хиллик муҳим. Ҳар бир маҳсулотдан ўзига хос фойда олиш мумкин. Янги нарсаларни татиб кўриш ва камроқ овқатланиш сизни соғлом қилади.

Шундай экан, ўз саломатлигингизни қадрланг!

Соғлиқни сақлаш вазири.

ЖОҲИЛОНА ҲОҲУ ҲАВАС ОРТИДАГИ ХУРОФОТ

ХИДОЯТ САРИ

Омина ИСРОИЛОВА.

Наманган вилояти:

– Биз томонларда ўғил фарзанд учун қилинадиган суннат (хатна) тўйига келининг отаси ёки ака-укалари сўқим (сўйиладиган қорамол) олиб боришлари шартдек бўлиб қолган. Хатто бу нарса келин тарафдагиларнинг бурчи, деган тушунча ҳам бор. Шунинг учун айрим ҳолларда баъзи оталар неварасини суннат тўй учун ерини сотиш ёки катта қараларни олишгача мажбур бўляпти. Шу ишлар динимизда борми?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

– Динимизда хатнанинг бор эканлиги барчага маълум ва бу учун зиёфат қилиб бериш ҳам бор. Аммо бу нарса фарз ёки вожиб, хатто суннат ҳам эмас, балки у айрим саҳобийларнинг шунчаки одати бўлган. Лекин у ҳозирги кунда авж олгандек бемаъни дабдабозлик билан эмас, балки тор доирада камтарона дастурхон ёзиб ўтказилган.

Демак, аслида суннат ҳам бўлмаган ушбу "тўй"га сўқим олиб келиш қиз томоннинг бурчи, дейиш мантиқсиз экани кўриниб турибди. Бунинг жохилона ҳою ҳавас ортидан пайдо бўлган хурофот десак, тўғрироқ бўлади. Айнан мана шунанга тайини йўқ "мажбурият"лар туфайли қанчадан-қанча оилалар жабр кўряпти ва хатто айрим оилалар сўқим қилинмагани ёки олиб келинган сўқимнинг

кичкиналиги сабабидан бузилиб кетишгача ҳам бормоқда.

Динимизда ҳада улашишга тарғиб қилинган. Аммо бу чин юракдан ҳамда берувчига малол келмасдан амалга оширилиши керак. Шундай экан, куёв томонга юбориладиган новвосларни ҳада деб бўлмайди. Чунки бу нарса ошқорча ёки зимдан қилинган талаб ёки келин томоннинг одамлардан уялиб ёхууд "қизим хижолат бўлмасин", деб қиладиган "совғаси" бўлади. Куёв томоннинг келин томонга бундай талаблар қўйиши катта хато ва гуноҳ саналади. Қолаверса, чин кўнгилдан берил-

маган нарсани ейиш ҳам шубҳали ҳисобланади. Зеро, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам шундай деганлар: "Мусулмон кишининг моли бошқага ҳалол эмас, фақатгина ўзи рози бўлиб, кўнгилдан чиқариб берсагина, ҳалол бўлади" (Имом Аҳмад ривояти).

Шундай экан, бундай ишга чек қўйиш лозим. Агар қилмоқчи бўлсалар, куёв томон имкони даражасида ўзлари қилсинлар. Агар имконлари бўлмаса, қайнотани зиммасига юкламасликлари лозим. Имкон бўлмагани учун бу каби эҳсонни қила олмаса, гуноҳкор бўлмайди.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами – 380x587, 4 б.т. 9 380 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-520

